

БАДРИДДИН ҲИЛОЛИЙ

# Шоҳ ва Ҷадо

ОҒАҲИЙ ТАРЖИМАСИ

ҒАФУР ҒУЛОМ  
НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ  
НАШРИЁТИ

Тошкент — 1974

БУ ҚИССА ТАРЖИМАСИНИНГ БОИСИ

Эй хирадманди дониш оварлар,  
Мен маҳзунга ёру ёварлар,

Менки огоҳлар маҳидурмен,  
Ҳам лақаб бирла Огаҳийдурмен.

Кўргузуб лутф кулбам ичра етинг,  
Сўнгра мендин бу қиссани эшитинг.

Ки мен нотавону ожизу зор,  
Неча кун эрди эдим бемор,

Хизрдек ушбу ҳол аро ногоҳ,  
Бошим узра етушти маҳрами шоҳ

Бистари заъф уза мани кўрди,  
Касалим лутф кўргузуб сўрди.

Деди: «Ердин туруб сабукбор ўл,  
Шаҳ майи лутфи бирла саршор ўл.

Ранжинг эмди видоҳ қилди санго-  
Ки, бу дам дардингго етушти даво.

Яъни айлаб шаҳинг санго шафқат,  
Амр қилди букун ажаб хизмат.

Турубон чуст боғла маҳкам бел,  
Урубон сафҳаю қаламга эл.

Таржима қил китоби «Шоҳу Гадо»  
Ки муаллифдурур Ҳилолий анго.

Форси лафз ила эрур манзум,  
Аҳли атрок аро эмас мафҳум.

Турк алфози бирла айла баён,  
Назм баҳридин ўл гавҳарафшон.

Нухханиг вазни бирла маснавий эт,  
Борча байтини баҳри маънавий эт».

Мен бўлуб ушбу муждадин хушҳол,  
Кўргузуб изтиробу истиъжол.

Ушбу хизмат қилурға юз урдим,  
Сафҳа рухсориға қалам сурдим.

Хомаи ибтидо сурарди мунго,  
Кўйдим от таржимани «Шоҳу Гадо»<sup>5</sup>.

Чунки доно мусаннифи онинг,  
Назм қилгон муаллифи онинг,

Ҳарна сўзким қилиб турур таҳрир,  
Байт бар байт айлодим таҳрир.

Борча сўзким дедим, онинг сўзидур,  
Мен демайким, дегон онинг ўзидур.

Гўйе мен онинг тилидурмен,  
Тутғоли хомани элидурмен.

Қилди бу сафҳаға сурорда қалам,  
Сабаби назмни бу навъ рақам.

БУ МАСНАВИЙ НАЗМИНИНГ САБАБИ

Бир кун ичраки, эрди фасли баҳор,  
Вазн аро бирдек эрди лайлу наҳор.

Бир чаман ичра бир неча фозил,  
Тузубон мажлис ўлдилар хушдил.

Бўлубон ҳар бири суханоро,  
Нуктадонлиг қилдилар даъво.

Бириким эрди зеббахши нукот  
Тилобон гунчани қилурни пот.

Деди: «Кўр, барги гулни гунча аро,  
Гунбази сабзи пуршафақ де анго...»

Бир дедики: «Гар эсанг бино,  
Тўла гулранг май била мино».

Бир қилмай деди дарангу сукут:  
«Бўлди феруза ҳуққаи ёкут»

Ҳам манинг табъима бу нукта ёқиб,  
Дедим ул лаҳза гунча сори боқиб:

«Бир лаби гунчаю рухи гулгун,  
Ишқ ичра эрур вале пурхун».

Мажлис аҳли қилиб манго таслим,  
Кўргузуб офарин била таъзим.

Дедилар жумла: Офарин сўзингга,  
Боби маъни очуқдурур юзингга».

Ой дилар борча соҳиби тасниф,  
Ҳама шеъримни қилдилар таъриф.

Маснавийда бири эди машҳур.  
Ул фан ичра ўзига кўп мағрур.

Лек фани газални билмас эди,  
Фикрига ҳеч майл қилмас эди.

Деди ул: «Гарчи бебадал келди,  
Лек билган иши газал келди.

Маснавийдин анго хабар йўқтур,  
Ушбу фандин анго асар йўқтур».

Чун анго шеърдин йўқ эрди завқ.  
Маснавийни газалдин айлади фавқ

Бил: ғазал — ганж әрур, маоний — дур,  
Бұлди ул ганж ушбу дурдин пур.

Кимки айтур ғазални софу равон,  
Маснавийдур онго бәсе осон.

Ким берур сўзда жон нечукки Масеҳ,  
Ожиз әрмас деса каломи фасеҳ.

Баҳрдин улки ўткой ўйлаки барқ-  
Қачон ўлғой баҳор селида ғарқ.

Улки ўт жойидур нечукки шарар,  
Бир шарар ғар анго етар не зарар.

Сўнгра ул хайл аросидин мен чуст,  
Чиқибон боғладим белимни руст.

Бозуи ҳимматим қавий қилдим,  
Саъй ила фикри маснавий қилдим.

Дедим ул фикр аро ўзимга-ўзим:  
«Яхшироқ ишқ сўзи бўлса сўзим,

Негаким олам ичра сарто-сар,  
Ишқ сўзи улусғадур хуштар».

Бўлди ғаҳ дерга хотирим майли,  
Холи Мажнуну қиссаи Лайли.

Дегали гоҳ айлар эрдим ёд,  
Зикри Ширину Хусраву Фарҳод.

Ғаҳ демакни кўрар эдим лойиқ,  
Хусни Узрою рағбати Вомиқ.

Ҳеч бири жазмиға очилмай роҳ,  
Ушбу тараддуд аро эдим ногоҳ.

Хотифе деди: «Рағжи беҳуда —  
Чекмойин, ўзни тутғил осуда.

Чунки бу уч арўсға домод,  
Эрди Мажнуну, Вомиқу, Фарҳод.

Қўйғил оройиши арўс этма,  
Гуфтғўи канору бўс этма.

Ғар етурсанг арўсға домод,  
Бергосен ному нангни барбод.

Ишқ бил лойиқи арўс әрмас,  
Коми нафсу канору бўс әрмас.

Ишқдур нозанин ўғуларға-  
Ки, сафо бергуси кўнгуларға.

Парда кейнида чун әрур макнун,  
Ким билур: қиз әрур ва ё хотун.

Зулфдур ғарчи зеби маҳрўлиқ,  
Чашмбанд ўлғою сияҳрўлиқ.

Зулф бўлғойму тори кокулча,  
Қачон ўлғуси сабза сунбулча.

Орияти ҳусн ғар кўнгули олур,  
Орият бориб охир ор қолур.

Ушбу ҳолатда эрди ким бори,  
Манга айларга мақсад изҳори.

Яна бир хотифе этти бўйла нидо-  
Ки: «Дегил достони «Шоҳу Гадо».

Қиссаи Шоҳни баён қилди,  
Холи Дарвешни аён қилди.

Икави қиссасини айлаб адо,  
Деди: «Бу қисса оти «Шоҳу Гадо».

Яна дедики: «Эмди мен сори боқ.  
Тут бу сўзимга ҳуш бирла қулоқ.

Санга мандин әрур бу сўз талқин-  
Ки дема васфи Хусраву Ширин.

Ед қил бу ҳикояти мавзун,  
Лек ёд этма Лайлию Мажнун.

Эшит ушбу ҳикояти фарро  
Қилмағил насфи Вомиқу Узро.

Бикри хилватсарои фикр будур  
Сурури жумла аҳли бикр будур.»

Айлади жилва тахти узра мақар,  
Қил ризо кўзи бирла онга назар.

Жуз қабули назарни ул тиламас,  
Узга фану ҳунарни ул тиламас.

Борча ишдур назар саодатидин,  
Ком ҳосил назар шарофатидин.

Ушбу номамни номи эт, ёраб,  
Номалардек кироми эт, ёраб.

Токи бир аҳли дил муни кўрсун,  
Назари илтифоти еткурсун.

Ул назардин бу топсун ондоқ қадр-  
Ки мунго толиб ўлсун аҳли садр.

Фикрида Огаҳийга бер қувват,  
Токи субҳу масо қилиб журъат.

Еткуруб хизматин ниҳоятига,  
Восил ўлсун шаҳи иноятига.

«шоҳу гадо» достонининг ивтидоси

Бу куҳан қисса айлаган тоза,  
Сўз юзига бу навъ урар ғоза-

Ки бор эрди қадим бир Дарвеш,  
Росткеш эрдию вафоандеш.

Алами рўзгор анго еткон,  
Жисмини ғам юки заиф эткон.

Жумлаи қайддин бўлуб озод,  
Ишқ қайдиға лек эди муътод.

Сойири кўху, водию, ҳомун,  
Мисли Фарҳоду Вомиқу Мажнун.

Ишқға майли онинг эрди том,  
Тилида ишқ сўзи эрди мудом.

Ногаҳ бир кун қазодин ул Дарвеш,  
Одатининг хилофин айлади кеш.

Ер жавру жафосига чидамай,  
Ҳам рақиби изосига чидамай,

Ишқ кўйидин ўзни қилди йироқ,  
Роҳат айвони ичра кўйди оёқ.

Кўнглидин дард ила ғами кетти,  
Урниға ишрату фараҳ етти.

Тилидин айру тушти зикри ҳабиб,  
Кўнглидин маҳв бўлди фикри рақиб.

Офият кунжида бўлиб шодон,  
Шукр этар эрди лаҳза-лаҳза аён.

Гар қилиб эрди тарки меҳнати ишқ,  
Кўнглида лек эди муҳаббати ишқ.

Ишқнинг гарчи меҳнати кўбдур,  
Кўнгул ичра муҳаббати кўбдур.

Ложарам деди ошиқи содиқ-  
Ки, яна бўлмоқ истаса ошиқ.

Бўлмайин ошиқ ўйла дилбарға-  
Ки урар таъна меҳри ховарға.

Иши бўлғай ҳамиша меҳру вафо,  
Қилмағой ошиқиға жавру жафо.

Истабон бўйла ёрни ҳар дам,  
Урар эрди талаб йўлиға қадам.

Туну кун тинмади оёқу қўли,  
Токи бир боғ сори тушти йўли.

Очилиб боғ чеҳраси гул-гул,  
Сочилиб онда турраи сунбул.

Чеҳраи гулгулида сунбуллар,  
Халқасидин аён бўлуб гуллар.

Сабзалар Хизрдек бўлуб пайдо,  
Айламиш чашмалар қироғида жо.

Лолалар доғ ўлуб пиёласидин,  
Нашъа топиб пиёла лоласидин.

Наргис айларга дафъи ранжи хумор,  
Нисфи норунж олиб кафиға баҳор.

Гул топиб онда бўйи боди сабо,  
Кўнглак айлаб нишот бирла қабо.

Бор эди боғ ичинда бир манзар,  
Осмон гунбази била ҳамсар.

Моҳи нав бошидин ўтуб тоқи,  
Чархи гардон эшики туфроқи.

Фаршининг икки хишти шамсу камар,  
Бириси сийм эрур, бириси зар.

Томи остида айламакга нишот,  
Тўшомиш соя ҳар тарафга бисот.

Икки лаби жўйиға бўлуб хандон,  
Шакли дандонадин анга дандон.

Боғни ул Гадое сайр этти  
Токи ул манзар олдиға етти.

Кўрди мактаб экон нечукки биҳишт,  
Дару деворидур абирсиришт.

Ваҳ, на мактабки, рашки бўстондур,  
Неча гуллар била гулистондур.

Мактаб аҳли жамоли нурафзой,  
Уйлаким ҳар бириси бир тўлин ой.

Бирига шакл зулфу, қадду, даҳон,  
Алифу лом, мим берди нишон.

Бир қошу қадин аён айлаб,  
Сирри нуну вал қалам баён айлаб.<sup>5</sup>

Келди вашшамс ул бирисига рўй,  
Бўлди валлайл ул бирисига мўй.

Ушбу мактабга бўлса ҳар киши хос,  
Уқур алҳамди кўргузуб ихлос.

шоҳ ҳуснининг таърифи ва гадонинг савсли  
ва шоҳнинг жавоби

Сарвар ул хайл аро эди бир моҳ,  
Балки иқлими ҳусн узра шоҳ.

Лақаби Шоҳу ўзи шаҳзода,  
Хўблар хайли ичра озода.

Шўх чашмики зоҳир этса нигоҳ,  
Халқни айлар эрди хонасиёҳ.

Сарв қаддики зоҳир этса хиром,  
Бўлур эрди асир хосу ом.

Ул кўз олдида маст бўлгон чоғ,  
Кўрунуб сурма бир қаро туфроғ.

Тушубон чеҳраси уза кокул,  
Кўргузуб ёсамин уза сунбул.

Тўкулуб шаҳд ҳар табассумидин,  
Жон топиб халқ ҳар такаллумидин.

Қадди узра қошин тамошо қил,  
Сарв уза зогнинг ики пари бил.

Хаста дилларга жон суйи лабидур,  
Мавж ул сувға тавқи габгабидур.

Оғзидин зоҳир эрмас элга нишон,  
Сўз адамдин бўлур улусға аён.

Оғзини йўқ демаки, бели доғи йўқ,  
Икави ҳам хаёл этар чоғи йўқ.

Леқ сўзлар чоғида афсунсоз,  
Хурдадон эрдию суханпардоз.

Кўрубон бу сифат шамойил анго,  
Бўлди Дарвеш кўнгли мойил анго.

Юзига кўзни айлабон нигорон  
Бўлубон турди волаю ҳайрон.

Шоҳ дедик: «Тарк айлама хуш,  
Қил такалум, мунигдек ўлма хамуш.

Бўлса ҳар мушкилинг санинг дарҳол,  
Тил очиб они мендин айла савол».

Ушбу сўзни Гадои ҳожатманд,  
Эшитиб Шоҳдин бўлуб хурсанд.

Сўрдиким: «Недур, эй шаҳи офоқ,  
Улки ҳам жуфт келдию ҳам тоқ».

Шоҳ деди: «Юзима назар қилғил,  
Сўрғонинг ики эгма қошим бил-

Ки икав жуфту иттифоқдурур,  
Хўблиқ ичра лек тоқдурур».

Деди Дарвеш: «Онинг жавоби будур,  
Хурдадонлар раҳи савоби будур.»

Шоҳ деди: «Очиб не навъ китоб,  
Ўқудинг бу сифат саволу жавоб?»

Деди Дарвеш: «Кўрмадим варақе,  
Варақ ичра ўқумадим сабақе.

Гарчи йўқ баҳрае савод манго,  
Ўқумоқдур вале мурод манго.

Чун кўзумдур саводдин холи,  
Юз қаролик эрур онинг холи.

Доим айларман орзу ўқумоқ.  
Жону кўнглумда жустужў ўқумоқ».

Баски Шоҳ этиқоди том эрди,  
Алифу бе ёзиб анго берди.

Бўлди Дарвеш майлининг бири юз,  
Деди: «Ераб, ўзинг ишимни туз».

Тутубон бош қўл ила йиғлади зор-  
Ки, бу ишқ ичра ўлгомен нечор.

Тутса ошиқни дўст бир дилбар,  
Тонг йўқ ошиқга ошиқ ўлса агар.

Гарчи Дарвеш зўфунун эрди,  
Раҳнамунларга раҳнамун эрди.

Тутуб илкига тахтаи таълим,  
Кўйди ёр оллида сари таслим.

Хурдабин кўбдурурки охири кор,  
Тифлдек мактаб ичра тутти қарор.

Ушбудур ишқи зўфунунга вирд-  
Ки, қилур устодни шогирд.

Ишқ агар дарс дерга юз урғой,  
Тахта устод узра синдурғой.

Чун Гадо саъй этиб сабақга аён,  
Шоҳга гаҳ-гаҳ боқар эди пинҳон.

Анга гар тушса Шоҳнинг назари,  
Ул назар айлар эрди ўзга сари.

Гарчи ошиқ эрур хароби назар,  
Анго йўқтур ва лек тоби назар.

ТИРА КЕЧАДА ГАДО ҲОЛИНИНГ ИВАРҲИ

Ҳар қачон ул нигори сарвандом,  
Қилса мактабдин уй сорига хиром.

Асру Дарвеш ўлуб паришонҳол,  
Уз-ўзига дер эрди бўйла мақол:

«Сенсиз эй беназир жонона,  
Бўлдим атфол ичра девона.

Зиндалик мўжиби малолимдур,  
Лавҳу курси гувоҳи ҳолимдур.

Сансизин ушбу дафтари хома,  
Ҳам сияҳқору ҳам сияҳнома.

Кўзларинг шавқи бирла нуқтаи вод,  
Йўқки, ташқари чиқти дийдан сод.

Сод кўздин гар эрмас эрса йироқ,  
Нега қоғаз киби бўлубдур оқ?

Дол туррангдин айрудур бадҳол,  
Қаддининг хамлиғи ангадур дол.

Син лабинг ҳасратин чекиб пинҳон,  
Лабиға маҳкам айламиш дандон.

Сенсизин шин киби чекиб бош коф  
Қилғуси сийнани шикоф-шикоф.

Бўлсам ар қоф жониби нигарон  
Келур андоқки кўҳи Қоф гарон,

Тинмайин сенсиз, эй маҳи мавзун,  
Наъл доғ ўлди, нун нуқтаи нун.

Бу сифат ҳарфлар дебон ҳар дам,  
Ер эди лаҳза-лаҳза гуссаю гам.

Бўлуб устозинг шукуҳи зиёд,  
Тифллар айлаган чоғи фарёд,

Ул ҳам ул хайл аро бўлуб гирён,  
Қўшулуб айлар эрди оҳу фиғон.

Ҳар қачон оҳи ошиқона била,  
Йиғласа дер эди баҳона била-

Ки: «Эрурмен бу кишвар ичра гариб,  
Бўлгон анвои дарду гусса насиб.

Уз диёримни ёд айлармен,  
Мундин афғону дод айлармен».

Гар яна мактаб ичра келса Шоҳ,  
Тарк этар эрди тез нолаю оҳ.

Айтур эрди неча ҳикоятлар,  
Булажаб қиссаю ривоятлар.

Айламақдин ғараз сўзини зиёд,  
Эрди Шоҳ хотирини қилмоқ шод.

Ошиқ улким бўлуб фараҳафзой,  
Ерининг хотирида гутгой жой.

Чун келиб кеча зулмат ўлди зиёд,  
Шоҳу атфол бўлдилар озод.

Қолди мактабда ёлғуз ул Дарвеш,  
Кечадек тирарўз ҳам дилреш.

КЕЧА УЗОҚЛИКИДИН ДАРВЕШНИНГ НОЛА ҚИЛГЕНИ ВА  
СУНГИ КУЧ ШОҲ ИЛТИФОТ ҚИЛИВ ОНИНГ  
САРВАҚТИГА КЕЛГЕНИ

Чун ёрим тун эдию тира жаҳон,  
Деги Дарвеш тортиб оҳу фиғон-

Ки: «Бу тундур недин узун, ёраб?  
Зулмати беадад фузун, ёраб?»

Гўйиё бу кеча тутилмиш ой,  
Е кўнгул давридур фалакфарсой.

Ҳеч шаб мундоқ эрмас эрди сиёҳ,  
Учти бу тун, магарки, машъали моҳ?

Дуддин тўлди гунбази гардон,  
Равзане йўқ чиқорға дуд равон.

Сарбасар ер юзи қаро бўлди,  
Масканим тира хоқ аро бўлди.

Етти, ваҳ, йиғламоқдин оғзима жон,  
Қилмади субҳ оғзи кулгу аён.

Неча юз минг кеча қўшулмишдур,  
Жонима борча қосид ўлмишдур.

Бўлуб огоҳ чарх бу ғамима,  
Кийди нили либое мотамима.

Қилмади субҳ бу кеча мени ёд,  
Охир, эй мурғи субҳ, қил фарёд.

Бу кеча кўс ноласи камдур,  
Кўз ёшимдин магар анго намдур?

Мақари бонг субҳидин лаби паст  
Е фиғонимдин ўлди бонги паст».

Ушбу ҳол ила нотавон Дарвеш,  
То тонг отғунча бор эди дилреш.

Чунки тонг булбули наво қилди,  
Меҳр ўтиға нужум ёқилди.

Асари меҳр кўкдин ўлди аён,  
Чашма пайдою, қатралар пинҳон.

Меҳр нили фалақдин ўлди фош,  
Нил суйидин урди Юсуф бош.

Даҳрдин борча зулмат ўлди ниҳон,  
Жилвагар бўлди чашмаи ҳайвон.

Турди яъники Шоҳ уйқудин,  
Бориб уйқуси чашми жодудин.

Бошиға қўйди кажкулоҳи вафо  
Эгнига кийди зеб бирла қабо.

Солибон кокилин янгоқи уза,  
Еткуруб зулфини сақоқи уза.

Боғлабон мўйдек белига камар,  
Қилиб олдида ҳуси элин чокар.

Қўйди мактаб сори бўлуб хуррам,  
Юз туман нозу ишва бирла қадам.

Иўлиға кўз Гадо очар эрди,  
Ашки гуҳарларин сочар эрди.

Токи ул сарвиноз ўлуб пайдо,  
Қилди ҳусниға даҳр элин шайдо.

Чун Гадо кўрди ул хужаста жамол,  
Ҳушидин бориб ўлди ошуфта ҳол.

Иши афғону изтироб ўлди,  
Йиқилиб беҳуду хароб ўлди.

Ҳоли ўзга бўлур эди ҳар дам,  
Хабари йўқ эди ўзидин ҳам.

Шоҳ кўруб ушбу беқарорлиқин,  
Ожизу нотавону зорлиқин.

Келиб олдиға деди: «Ҳолинг айт,  
Мақсадинг не, дею, хаёлинг айт».

Лутф ила борча ҳолини сўрди,  
Сўнг бориб ўз ерида ўлтурди.

Чунки ўлтурди ўз маконида,  
Жой берди Гадоға ёнида.

Баски бир-бирга эрдилар мойил,  
Рўй барўй туттилар манзил.

Бир-бири ҳолини билур эдилар,  
Бир-бириға назар қилур эдилар.

Ҳар қачон Шоҳ Гадоға қилса назар,  
Меҳри кўнглиға айлар эрди асар.

Ўзига они ҳамдам этмак учун,  
Деди: «Мандин Гадо сабоқ ўқусун.

Демосун мендин ўзгалар сабақин,  
Езмасун мендин ўзгалар варақин.

Қўйса ҳарфига ҳар киши бормоқ,  
Кескамен бормоқин онинг ботроқ.

Тахтасига кишики чекса рақам,  
Тиғим айлар онинг қўлини қалам».

Ушбу сўзларни Шоҳ чу қилди тамом,  
Уз қошида Гадога берди мақом.

Чунки таълимига Шоҳ очти тилин,  
Ул йўқ этти бошу оёку элин.

Шоҳ, алиф, деса, ул дер эрди: дол.  
Йўқ алар фарқин эткали анга ҳол.

Шоҳ бўлмай малулу беозарм,  
Айтур эрди сабақ мулойиму нарм.

Шоҳ улким қилурда бахшойиш,  
Тобгой ондин гадолар осойиш.

Хосса шаҳларки кўргузуб гайраёт,  
Олдилар мулки маънию сурат.

Айлабон расми меҳру лутф аён,  
Қилдилар халқ мушкилин осон.

Лек ул шаҳлар илгидин минг дол-  
Ки, қилиб дамба-дам жафони ёд.

Тўкадурлар гадолари қонин  
Оладурлар муҳиблари жонин.

Ҳар нафас жавр ўтин қилиб сўзон,  
Ишқ аҳлига куйдурурлар жон.

Чун яна шом бўлди зулматкеш,  
Қолди ҳижронга мубтало Дарвеш.

ШОҲНИНГ ГҲМОН БИЛА ДАРВЕШГА РАШК ВА ИГОВ  
ҚИЛГОНИ

Чунки қилди бу мактаб атфоли,  
Тахтани ювуб сиёҳдин холи.

Килки зарринини спеҳри давон  
Лавҳи феруза узра сурди равон.

Уйқудин мактаб аҳли турдилар,  
Ҳама мактаб сори юз урдилар.

Қилди мактабни борча манзилгоҳ,  
Йўқ эди лек олар орасида Шоҳ.

Тифллар жониби боқиб Дарвеш,  
Узига дер эди бўлуб дилреш:

«Бор эрур борча, лек ёрим йўқ,  
Мақсади жони беқарорим йўқ.

Узга келди, ёр келмайдур,  
Кўзума ҳеч бири илмайдур.»

Шоҳга бор эди чу бир ҳамзод,  
Эрди ҳусн ичра мислдин озод.

Гарчи кичик биродар эрди анго,  
Ҳусну хулқи баробар эрди анго.

Ҳама вақт эрди Шоҳга воқифи ҳол,  
Ҳамдаму ҳамзабон маҳу сол.

Чун Гадо сабру тоқати кетти,  
Анго ҳоли дилин баён этти-

Ки: «Недин кечка қолди букун Шоҳ,  
Ғамидин рўзгорим ўлди сиёҳ,

Офтобимга бўлди не воқеъ-  
Ки, бошим узра бўлмади толеъ.

Уйқуға ёки зердаст ўлди,  
Е майи ноз бирла маст ўлди.

Е кеча ўлтуруб экон бедор,  
Йўқса то чошт уйқу не даркор».

Ушбу сўзда эдики келди Шоҳ,  
Бўлди ул гуфтугўйдин огоҳ.

Рашки келдики ошиқи бедил,  
Узгалар жониби эрур мойил.

Деди дилтанг ўлуб онинг ишига?  
«Ошиқ ўлмоқ недур ики кишига?!»

Эй дариго, ажаб хато қилдим-  
Ки, бу бешармга вафо қилдим!

Бу Гадода гар ўлса эрди вафо,  
Дарбадар бўлмас эрди олам аро!

Дарбадар итда ҳеч вафо йўқтур,  
Дарбадар бўлмоғон гадо йўқтур.

Бандалик қилса банда ҳар кишига,  
Киши олмас боқиб бу навъ ишига-

Ки иниси сори итоб айлаб,  
Дер эди танг бўлуб хитоб айлаб:

«Саъйинг эрмостурур фузун мендин,  
Бас, недин келгосен бурун мендин».

Гаҳ анго таън ўқин урор эрди,  
Гаҳ уруб тошқори сурор эрди-

Ки: «Сен амди келурга боғлама бел,  
Мен келай мактаб ичра ё сен кел!»

Гаҳ қаламни ер узра тошлар эди,  
Гаҳ йиртиб варақни тошлар эди.

Олдиға сафҳани чекиб ҳар ён,  
Чехрасин қилур эди пинҳон.

Тонг эмас рашк ёри содиқдин,  
Кўб ўлур ёр рашки ошиқдин.

Хўблар фитнаю ғами ҳар дам,  
Ошиқиға етар ўзига ҳам.

Шоҳга бордур Гадоси фикри мудом,  
Хўжанинг бандасиға майли тамом.

Қўйди Дарвеш ерга шарм ила бош,  
Деди: «Бу лаҳза ўлсам эрди кош.

Бўлмишам ёр олдида маъюб,  
Бу тирикликдин ўлганим эди хўб.

Бор эрур гарчи нуктадон асру,  
Бор эрур лек бадгумон асру.

Ваҳ, экон толиим азалдин ёмон,  
Бўлмишам ҳолима ўзим ҳайрон.

Чун гуҳар истабон узатдим даст,  
Берди санги ҳаводис анго шикаст,

Истадим жон топорға оби ҳаёт,  
Олди жоним пасиб ўлуб зулумот.

Чун кеча бўлди Шоҳи нек қадам,  
Яна мактабдин этти азми ҳарам.

Сўрди айлаб инисидин тафтиш-  
Ки: «Санга не деди ҳамул Дарвеш?»

Ул қилиб қиссани тамоми баён,  
Шоҳга ҳол аслин этти аён.

Шоҳ чун ҳол аслини билди,  
Раҳм Дарвеш ҳолиға қилди.

Қосиде қойдаким барои худо,  
Ер олдида ҳолим этса адо.

То боқиб мөжаро адосиға,  
Яна қасд этмағай Гадосиға.

ШОҲНИНГ ГАДОГА ИТОВ ҚИЛҒОНИДИН ПУШАЙМОН  
БУЛУВ, ЯНА ИЛТИФОТ ҚИЛҒОНИ

Чун яна меҳр чарх уза юрди,  
Кўнглидин Шоҳ меҳри бош урди.

Кўргузуб меҳр лутфу шафқат ила,  
Борди Дарвеш уза хижолат ила.

Кеча то субҳ онинг гамин ер эди,  
Гунча ёнглиғ кулуб юзига деди:

«Келди дарвешпеша сардорлар,  
Авлиё хайлию паямбарлар.

Шоҳларким жаҳон ародурлар,  
Хама дарвешга гадодурлар.

Эмди ул яхшиким бажид бўлсоқ,  
Шоҳу Дарвеш муттаҳид бўлсоқ».

Шаҳ чу лутф айлади ниҳоятсиз,  
Меҳри Дарвеш бўлди гоятсиз.

Бўлубон мактаб аҳли воқифи ҳол,  
Гуфтугўга тил очтилар атфол.

Дедилар бир-бирига ҳолатни  
Қилдилар фош бу ҳикоятни.

Тифллар гарчи фитнагардурлар,  
Ашкдек шўху пардадардурлар.

Кимсаким тифлга дегой зорин,  
Қасд ила фош айлагай розин.

Етти Дарвеш сўзи олам аро,  
Бўлди расво жамиъи одам аро.

Пандгўлар маломат айладилар,  
На маломат, аломат айладилар.

Лозими ишқ жуз маломат эмас,  
Ҳеч ошиқ иши саломат эмас.

Бу маломатга, эй кўнгул, бўл шод,  
Ҳам саломат гамидин ўл озод.

ГАДО ИШҚИДИН РАҚИБ ХАВАР ТОПИВ ГАДОНИНГ  
ШОҲ ХИЗМАТИДИН МАҲРУМ ВЎЛҒОНИ

Йўқтурур олам ичра ҳеч ҳабиб-  
Ки, онинг бўлмағой изида рақиб.

Ҳар қачонким ҳабибни дерлар,  
Утрисида рақибни дерлар.

То киши жондин ойру бўлмоғуси,  
Ул балодин даме қутулмоғуси.

Шоҳга бор эди бир ўйла Рақиб-  
Ки, онинг таври, тарзи эрди ажиб.

Эди бошдин оёқи шиддату қаҳр,  
Кўзлари косаси тўла эди заҳр.

Ғазаб эрди ҳамиша хўйи онинг,  
Кўрмагон эрди кулку рўйи онинг.

Халқи оламга берголи озор,  
Олам ичра ул эрди каждому мор.

Бовужудеки мунча шиддату қаҳр,  
Мири бозор эдию, шаҳнаи шаҳр.

Ҳокими жумла хосу ом эди ул,  
Шаҳ нигоҳбони субҳу шом эди ул.

Топмағой эътибор сифла даме,  
Кўрмағай ихтиёр сифла даме.

Ҳосили қисса улки, ул бадкеш,  
Билди не ишда эрконин Дарвеш.

Бўлди итдек ҳамиша хасми Гадо,  
То они ул эшикдин этти жудо.

Чун они Шоҳ эшикидин сурди,  
Посбонликда ўзи ўлтурди.

Чунки бўлди бу навъ ул монеъ,  
Бўлди Дарвеш меҳнати зоеъ.

Ложарам бўйла айлади тадбир-  
Ки, кеча қилғой ул тараф шабгир.

Борса рози аён ўлуру кундуз,  
Яхшироқдур тун урса ул сори юз.

Кечада ошкора бўлмас айб-  
Ки, кечадур жаҳонга пардаи ғайб.

Кечадин гар аён ўлуру зулмот,  
Ойдур ул зулумот ичра оби ҳаёт...

Бир тун алқисса йўлга юз урди,  
Шоҳ кўйига шавқ ила юрди.

Тани — бемор, сийнаси — ғамнок,  
Дили мажруҳ, дийдаси — намнок.

Хар қадамда қўйиб ер узра бошини,  
Тўқор эрди нечукки сел ёшин.

Урубон сийнасиға ғамдин санг,  
Қоқор эрди магарки табли жанг.

Хар нафас тортар эрди ўтлуғ оҳ,  
Даҳрни айлар эрди оташгоҳ.

Еткуруб ёр қўйиға ўзини,  
Суртубон остониға юзини.

Дер эди: «Остони Шоҳ будур,  
Дилу жонимға қиблагоҳ будур.

Хар киши бу тарафға қўйса қадам,  
Таним ўлсун ғубори, жоним ҳам».

Кўрди хар итни Шоҳ кўйи аро,  
Шердек зўрманд эдию қаро.

Меҳркешу вафонишон эрди,  
Шоҳ эшикида посбон эрди.

Онго дедики: «Эй вафопарвар,  
Жумла аҳли вафо аро сарвар.

Ёр кўйида мени ҳазиндин эшит,  
Сен анго иту, лек мен санго ит.

Панжанг ўлмуш хино билан гулгун,  
Манга ул навъким дили пурхун.

Кафи пойинг эруру чу нақши нигин-  
Ки, нигинингда жумла рўи замин.

Неча тирноғинг олурда шикор —  
Гул киби сурху, тез ўйлаки хор.

Кечалар ўғриларға монеъсен,  
Туну кун бир сўнгакка қонеъсен.

Қуйруғинг шакли бордуруру қуллоб-  
Ки, чекар кўнглум айлабон бетоб».

Бу сифат неча сўзлар этиб фош,  
Қўйди йиғлаб ул ит оёқиға бош.

Ул кеча даҳр рашки гулшан эди,  
Егду кундин энеда равшан эди.

Хайли анжум била сипеҳри барин,  
Гулшан эрди тўла гули рангин.

Жирми маҳ косаи панир эрди,  
Кўчалар борча жўи шир эрди.

Соия бед, моҳтобу шамола,  
Ул сифатким болиқлиғи оби зилола.

Равшан эрди маҳ тамом ул тун,  
Сайр этиб Шоҳ ҳавои бом ул тун.

Бомнинг бир лабида ўлтурди,  
Ногаҳон ўз Гадосини кўрди.

Ки тўқуб қон ёшин юзига кўзи,  
Кўнгрониб дер эди ўзига ўзи:

«Кетди қўлдин ишим, не ишдур бу,  
Оллоҳ, оллоҳ, нечук равишдур бу?!»

Тобакай сийна пора-пора қилай,  
Вой, юз войким, на чора қилай?!»

Чок-чок этти хотирим дами тиг,  
Ҳайф-ҳайфу туман даригу дариг.

Оҳ, бу шум толенмдин оҳ,  
Воҳ, бу умри зоеъимдин, воҳ.

Мен менулким, тилаб висол ила жон,  
Олди жонимни меҳнату ҳижрон.

Мен менулким, ёқиб чироғи умид,  
Шаби ҳижронда қолмишам жовид.

Мен менулким, чекиб ғами ҳижрон,  
Кўрмойин базми васл бердим жон.

Орзудур висоли ёр манго,  
Йўқтурур ўзга қору бор манго,

Ўлмасам ушбу орзуда агар,  
Тонгла мундин бўлур ишим бадтар».

Шоҳ чу кўрди онинг бу зорлиқин,  
Паст айларга беқарорлиқин.

Деди: «Қил сабр, изтироб этма,  
Ема андуҳ, кўб шитоб этма.

Негаким эмди мен учакда мудом,  
Чиқибон маскан айлагум лаби бом.

Ҳам кабутар мудом учургоймен,  
Ҳам тамошо мудом кўргоймен.

Сен ҳам атрофдин мени кўргил,  
Хотирингга сурур еткургил».

Эй хуш ул дамки, дўст бўлғой ёр,  
Раҳм ошиққа айлагай изҳор.

Толиби васлиға бўлуб толиб,  
Кўнглаи бўлғой мудом анго роғиб.

КАБУТАР ХАЙЛИНИНГ СИФАТИ ВА ШОҲНИНГ ТАМОШО  
УЧУН ҚАСР БОМИГА ЧИҚМОҚИНИНГ МАЪРИФАТИ

Субҳ чун тўкти донаи анжум,  
Ҳайати дом қилди гардун гум.

Этти парвоз мурги зарринбол,  
Чарх-чарх узра урди беъҳмол.

Қасрнинг боми узра чиқти Шоҳ,  
Ўйлаким чарх боми устига моҳ.

Турфа бом, нечукки боми фалак,  
Келди хайли кабутар анда малак.

Сув тўла коса меҳри равшан анго,  
Бордур анжум сочилғон арзан анго.

Шеҳ қўлиға етишмак истаб дом,  
Кўзларин очти шавқ бирла тамом.

Шоҳ узра кабутар айлаб давр,  
Қуш Сулаймон уза пар урғон тавр.

Учубон боши узра айлона,  
Ўйлаким шамъ узра парвона.

Борча бошдин оёки нақшу нигор,  
Ўйлаким нав арўси зевардор.

Баъзи кўҳиу баъзи шерози,  
Сурагин кўргон эл ебон бози.

Баъзи ҳудо, баъзи хуштанидур,  
Садқаси халқ жонию танидур.

Баъзи чинию баъзи бағдоди,  
Жону дилларда майлию ёди.

Баъзи кўк, баъзи сурмаранг бўлуб,  
Кўргон эл ақли маҳвранг бўлуб.

Баъзининг ранги маллаю оқ бош,  
Эврулуб эл кўзида шавқида ёш.

Ҳама суврат аро нечукки пари,  
Телбавор тушса ҳар киши назари.

Ҳама айлаб ҳаво уза тайрон,  
Кимки боқса анго бўлур ҳайрон.

Жамъ ўлуб осмонга учқон чин,  
Кўрунуб элга ҳайъати парвин.

Чунки фарёд этиб кабутарбоз,  
Берди илкида оғзидин овоз.

Шоҳ илкига олди чанбари дом,  
Урди юз қатла наъра беором.

Ғараз ушбу фиғонидин амдо,  
Ул эдиким, эшитиб ул шайдо,

Ер кўйи ҳаримиға еткой,  
Юзининг меҳрига нигоҳ эткой.

Шоҳ ишидин Гадо эди огоҳ,  
Гўшадин айлар эрди Шоҳға нигоҳ.

Жону дилдин қилиб дуосини,  
Дер эди этибон саносини:

«Эй кўнгул мубталой доминг ўлуб,  
Жон қушининг мақоми боминг ўлуб,

Кўнгулум анда асири қайдингдур,  
Мунда жоним шикори сайдингдур.

Муҳтарам кўйинг ул сифатки ҳарам,  
Бордур андоқ мунийнги кабутари ҳам.

Кош мен ҳам кабутар ўлсам эли,  
Соҳиби бол ила пар ўлсам эди.

Айланиб қасринг узра субҳу шом,  
Бўлур эрдим бошингга садқа мудом.

Чиқди кўнгулдин ўйла дуди оҳ-  
Ки кабутарнинг ўлди баъзи сиёҳ.

Баски оқти кўзимдин ашки умед,  
Бўлди ул хайл ичида баъзи сафед.

Баъзининг рангиким эрур жигари,  
Жигарим қонининг эрур асари.

Баъзиси маст, баъзи ранги мул,  
Ҳам эрур булбулу алар ҳам гул.

Баъзининг рангин ашким этти қизил,  
Парларини гувоҳи ҳолим бил.

Буки чашми кабутаринг гулгун,  
Бўлди ҳама оёқлари пурхун.

Йиғлади қон кўзи бу ҳолимға,  
Оёқи ботди ашки олимға».

Ул Гадо ҳоли бу эди то шом,  
Шоҳ ҳам этмиш эди учакда мақом.

То кўруб ҳар дам они ул мискин,  
Топғой озурда хотири таскин.

Айни ишқ ила Шоҳи некўхисол,  
Ошиқиға боқар эди ҳама ҳол.

То агар ишқбоз бўлмаса шоҳ,  
Қачон ўлғай Гадосидин огоҳ.

Е агар хўбу дилнавоз ўлғай,  
Доим ошиқға ишқбоз ўлғай.

Бир неча кунки, шаҳзодаи аср,  
Чиқибон маскан этти боми қаср.

Қаср сори уруб Гадо доғи юз,  
Дару бомига солур эрди кўз.

Шоҳ наззорасидин олғали ком,  
Боқар эрди ҳавога субҳу шом.

Узга ер сори ҳеч боқмас эди-  
Ки, онга ҳеч нимарса ёқмас эди,

Боқғонидин ҳавога волаю маст,  
Онго эл деди офтобпараст.

То Рақиб онглабон ҳамул аҳвол,  
Шоҳга деди: «Бўлмағил эҳмол!»

Тангридин бу Гадо эди навмид,  
Қибла бўлмиш мудом онга хуршид.

Йўқ мусулмонки сарфи кофирдур,  
Куфри онинг улусга зоҳирдур.

Ичиб ул чоғ ул Гадо савганд,  
Деди: «Тангрики йўқ онго монанд.

Зоти хуршид ишқ анго лойиқ,  
Ҳама зарроти кави анго ошиқ.

Утрусида онинг ҳижоби йўқ,  
Зотидин ўзга офтоби йўқ.

Борча элға ҳамул дам ўлди аён-  
Ки қилур ул парастииши яздон.

Сўнгра юз урди кўйи Шоҳ сори,  
Остони жаҳонпаноҳ сори.

Лек «Мажнун!» дебон они атфол,  
Кўрубон онда ўзга турлук ҳол.

Югурар эрдилар дебон пайваст-  
Ки: «Қаён борди офтобпараст».

Қилса ҳар кун Гадо сари оҳанг,  
Урмоқ учун бошига ҳар дам санг.

Қўпориб ушбу остон тошини,  
Ёрор эрди уруб онинг бошини.

Токи тош захмидин топиб озор,  
Тутмасун Шоҳ кўйи ичра қарор.

Баски атфол отти тош анго,  
Бўлди мажруҳ чашму бош анго.

Танг ўлуб меҳнату машаққатдин,  
Қочғали азм этиб заруратдин.

Шаҳрдин тошқариға юз урди,  
Бир бузуқ ичра ўзни еткурди.

Чун бузуқ ичра айлади маскан,  
Чок қилди танида пираҳан.

Гар мен ўлдим бу пираҳанни нетай,  
Улук эрмас эсам кафанни нетай.

Сочти бошига дамба-дам туфроқ-  
Ки, бошим туфроқ остида хушроқ,

Узига тирноқ олмоқ этмади кеш.  
То онинг бирла кўксин эткой реш.

Бошидин сочин олмади яксар,  
Балки бошдин анго йўқ эрди хабар.

Бориб ўздин гаҳи, келур эди гаҳ,  
Бахтидин айлар эрди бу шиква-

Ки: «Бошим бурна кўкка еткурдинг,  
Сўнгра ерга они недин урдинг-

Ки, манго лаҳза вафо қилдинг,  
Сўнг недин жавр ила жафо қилдинг;

Ҳаққо, жавру жафо бу навъ ўлғай,  
Боракалло, вафо бу навъ ўлғай».

ДАРВЕШНИНГ КАБУТАР БОЛИГА НОМА БОҒЛАБ ШОҲ  
ЖОНИБИГА РАВОНА ҚИЛГОНИ

Шоҳнинг бир кабутари бор эди,  
Учубон қасри узра ўйнор эди.

Паст қолиб сипеҳр поясидин,  
Баҳра олиб ҳумой соясидин.

Қилибон қуллақига пайдо шавқ,  
Қумри олида солди бўйнига тавқ.

Хизматиға қанот очиб шаҳбоз,  
Соясида қилур эди парвоз.

Бир кун ул ҳудҳуди ҳумоюнфар,  
Баски урди ҳавода болу пар.

Чустлик бирла сайр этиб офоқ,  
Шоҳ қасридин ўзни солди йироқ,

Қилибон юқориға майл аён,  
Ўйлаким эл кўзидин ўлди ниҳон.

Ўзини чарх қасридин ошуруб,  
Ўйнабон бир неча муаллақ уруб.

Сўнграким ер сори қараб ушти,  
Ул Гадо бошиға келиб тушти

Бўлди боши онинг фалакфарсо-  
Ки, ҳумо сояси етушти анго.

Деди: «Бошимдур ошенинго  
Қатра ашким — обу донинго»,—

«Етмасун, деб, анго зарар ногоҳ»,  
Соқлади синасида ўтлуғ оҳ.

Ул кабутар била ҳамул маҳзун,  
Бўлди андоққи қушлару Мажнун.

Сўнгра ондин қўлиға олди қалам,  
Ҳасбу ҳолини айламакка рақам.

Шарҳи бемеҳрии замон эткой,  
Номае Шоҳ сори равон эткой.

Рақам этти гаму фироқини,  
Шарҳи андуҳу иштиёқини.

Ошиқ эткоч кўнгул ўтини рақам,  
Енса ул ўт била не айб қалам?

Чун олиб қўлға сафҳаю хома,  
Езди зулми Рақибидин нома.

Риштаи жон бирла чирмоб чуст,  
Ул кабутар париға боғлади руст.

Айлади Шоҳ жониби ирсол,  
Учуб ул етти Шоҳға филҳол.

Мурғи руҳи Гадо ҳам очти қанот,  
Онга ҳамроҳ Шоҳға еткой бот.

Ўқугоч Шоҳ арзи ҳоли Гадо,  
Қилди шаҳр ичра ушбу навъ нидо-

Ки: «Ҳама халқ ўқу ё олсун,  
Шаҳрнинг ташқорида йиғнолсун.

Ҳам тамошо қилурга пиру жувон,  
Борча бўлсун ҳамул тарафға равон.

Ўқчилар хайли жумла юрсунлар,  
Отибон ўқ нишона урсунлар.

Қилиб ҳар ким бу ҳукмда тақсир,  
Ўзини қилғуси нишонаи тир».

Эшитиб бу сифат нидони Гадо,  
Истабон жонин айламоқни фидо.

Бордию тутти, бир маҳалда макон,  
Сўнгги кун Шоҳ сурди от ул ён.

Кимки чекса фироқ аро меҳнат,  
Топғой охир висол, аро роҳат.

Чекса ҳар кимса интизору алам,  
Ёр аҳсонидин бўлул хуррам.

ШОҲНИНГ УҚ ОТМОҚ ВАҲОНА БИЛА ШАҲРДИН ЧИҚИБ  
ДАРВЕШНИНГ НАЗАРИ УҚИГА НИШОНА ҚИЛГЕНИ

Сўнгги кун чунки офтоби мунир,  
Ёр юзин билкул олди отиб тир.

Гарм ўлуб лаҳза-лаҳза оташи меҳр,  
Нарм ўлди доғи камони сипеҳр.

Шоҳ камар боғлаб азми жавлонға,  
Майл айлаб ҳавои майдонға.

Истади минмоки учун бир от,  
Отни келтурдилар ҳамул дам бот.

Демагил отки, барқу бод эрди,  
Девқувват, паринажод эрди.

Боддин хушхиомроқ эди ул,  
Барқдин тезгомроқ эди ул.

Наварўсе эди пари тимсол,  
Зулфи мушкин анго муанбар бол.

Онго эрди кулоқ била кокул —  
Ханжари беду дастаи сунбул.

Тезрав ул сифатки умру ваҳм,  
Утконин ҳеч кимса билмай фаҳм.

Мунча вусъат билан етти иқлим,  
Олида тенг мисли ҳалқаи мим.

Гар раҳи чувслик тутар эрди,  
Уткан айёмдин ўтар эрди.

Чун анго майл қилди мингали Шоҳ,  
Маркаби чарх уза нечукким моҳ.

Қўйди мақдам рикоб аро дарҳол,  
Ўртаға ойни олди икки ҳилол.

Барқдек солди отни жавлонға,  
Қуёшосо юз урди майдонға.

Халқ айлаб ҳужум юрдилар,  
«Шоҳ келди!» дебон югурдилар.

Чунки майдонға келди Шоҳу сипоҳ,  
Майли Дарвеш қилди хотири Шоҳ.

Сайри майдон этарга бўлди равон,  
Раҳшиға берди ҳар тараф жавлон.

Кўрди бир гўша ичра ўлтурмиш,  
Даҳрдин беадад ситам кўрмиш.

Танида пора-пора пироҳани,  
Пироҳан торидек бўлуб бадани.

Сийнаси лавҳни харош этмиш,  
Ғайрнинг нақшини тарош эгмиш.

Танидур зору изтироб ондо,  
Уйлаким тору печутоб ондо.

Пайкари дарду ранж тоғи бўлуб,  
Кўзи ул тоғнинг булоғи бўлуб,

Кўзи атрофида сафи мужгон,  
Чашма бошида ўйлаким райҳон.

Бори ашкики қатрадиндур пур  
Рост андоқ дурурки риштаи дур.

Сарба-сар гард остида қолмиш,  
Юзига пардаи адам солмиш.

Тифли ашки ситезагарлик этиб,  
Югуриб юзига пардадарлик этиб.

Шоҳ ҳуснига чулки қилди назар,  
Ўзни туфроқга тошлади музтар.

Шоҳ чу Дарвеш ҳолини кўрди,  
Ўзга жонибга маркабни сурди.

Деди: «Ул ён нишона қилсунлар,  
Қароқга баҳона қилсунлар».

Токи Дарвеш онинг изин кўргой,  
Назарин Шоҳ ҳам онга еткургой.

Чун ҳадаф сори ўқ отар эрди,  
Кўз учидин боқиб тортар эрди.

Эрди гарчи нишона сори юзи,  
Лек Дарвеш сори ики кўзи.

Уйла ўқ ҳар тараф равон бўлди-  
Ки, ҳамул арса ўқ билан тўлди.

Бўлмади мавраъ ҳамул улуғ майдон,  
Хўшаси — ўқу доваси — пайкон.

УҚ ВА ЁИ ТАЪРИФИ ВА ШОҲНИНГ УҚ ОТҚОНИ ВА  
ГАДОГА НАЗАР ҚИЛҒОНИ

Шоҳ илкида бор эди бир ёй,  
Эрди онинг нишоваси янги ой.

Хўбларнинг қошидек ўлғой ҳам,  
Онга қурбон ўлуб бори олам.

Хам абрўсига гиреҳ солиб,  
Сайд учун илгига каманд олиб.

Йигит элидек жадалга хўй эткон,  
Қорилардек ҳиялга хўй эткон.

Эрди ул боди анодек хунрез,  
Хўблар кирпиги ўқидек тез.

Тортса ким они қулоқиго  
Чекти бир сарвқад қучоқиго.

Қад киби дилпазир рафтори,  
Гўшаи чашми халқ онинг сори.

Дўстлар йўлида афтодаи хок,  
Душман аҳлига мужиби ялок.

Шоҳким ўқ отарда комил эди,  
Ё киби ўқ сориға мойил эди.

Агар этса қуруғ сўнгокни нишон,  
Мағз анго ўқни айлар эрди равон.

Мўр қилса анго муқобил ўзин,  
Тикиб ўқ новаки бирла икки кўзин.

Шоҳ чун ўқ нишона уруб,  
Ул Гадо оҳи ошиқона уруб.

Деди: «Шоҳоки, то жаҳон бўлғой,  
Дилу жоним санго нишон бўлғой.

Кўзим ўлғой ҳамиша раҳгиринг,  
То етушкой онго гаҳ тиринг.

Кош ўқинг нишона қилса таним,  
Балки маъвою хона қилса таним.

Етса лаззат топормен ўқинг агар,  
Найдин ул навким егум шакар.

Гар қўлуидин етушмаса бир ўқ,  
Тонг эмас жон танимдин ўлса йўқ.

Ўзгаларни нишона то қилдинг,  
Эй шаҳим, бил они, хато қилдинг.

То санго устухон нишон бўлди,  
Рашкдин жисмим устухон бўлди.

Ноз ўқи бирла қилни тешкунг сен,  
Истасанг қилни тешмак, инак мен.

Билмасун ҳеч ранжни дастинг,  
Кўрмасун чашм захмини шастинг».

УҚ ВИЛА ЕИНИНГ БИР-БИРИ ВИЛА МУНОЗАРА  
ҚИЛГОНЛАРИ

Шоҳ қўюб қайси ўқни ё узра —  
Отғоч-ўқ чиқти ул само узра.

Чунки ўқ кўрди жавр этиб анго ё,  
Шоҳ илкидин айлар они жудо.

Ташлабон беҳуд осмондин ўзин,  
Қаҳр бирла қўюб ер узра юзин.

Узин айлаб урушғоли то рост,  
Ейға деди: «Эй кажу норост.

Кажлигингдин солурлар оташға,  
Еткурурлар неча кашокашға.

Шарм қилғил қади шикастингдин,  
Нарм бўлғил шикаста бастингдин.

Сен қарисен мадад берурга санго,  
Қадим ўлди санинг қўлунға асо.

Менсизин ким очар йўлунгни санинг,  
Қайси одам тутар қўлунгни санинг.

Ҳар киши деса сўз сену мендин,  
Менинг отим тутар бурун сендин.

Тушти саркашлигингдин эй пир,  
Бўйнингга тавқи банду ҳам занжир.

Халқ ўзига сани чекар ҳар дам,  
Сен қўёрсен тариқи кажга қадам.

Пирдин бу сифатлар эрмас хўб,  
Ожизу гўшагирдин хўб»

Е чу бу сўзни ўқдин эшитти,  
Таниға печу тоблар етти.

Деди: «Синдурма мунча пирлигим  
Айлама таъна гўшагирлигим.

Мунча тутма ўзингни нерўманд,  
Узга парри бирла учма баланд.

Сан доғи тездурки пир ўлғунг,  
Ожизу зор гўшагир ўлғунг.

Бор эрур хизматим санго варзиш,  
Мен буюрғум ишу сен эткунг иш.

Чун сени фитнажўй кўрдилар,  
Арра бошинг уза етурдилар.

Уқ йилонею ҳам чаёндурсен,  
Ниш урарда балои жондурсен.

Ҳар тараф кўргузуб ситез эткунг,  
Еткуруб захм элга тез эткунг.

Ер ҳадаф ичра борҳо қилдинг,  
Яна каж бординггу хато қилдинг.

Эл агарчи сани қўлиға олур,  
Лек отғоч, отиб йироқға солур.

Сани чунким йироқға отғуси Шоҳ,  
Арода ҳеч борму манда гуноҳ?»

Уқ чу ёнинг сўзини кўрди чин,  
Кўргузуб сулҳ бўлди узр ойн.

Яна қилди мувофиқат икав,  
Сулҳ бирла мусоҳибат икав.

Сулҳдин ўзга ҳеч иш йўқтур,  
Жангдин ҳам ямон равиш йўқтур.

Сулҳ келди бори улусга салоҳ  
Сабаби роҳату нишоту фалоҳ.

РАҚИБНИНГ ШОҲНИ ШИКОРГОҲГА ДАЛОЛАТ ҚИЛГЕНИ  
ВА ДАРВЕШНИНГ ИШОРАТ БИЛА ОҒОҲЛИГ ТОНГЕНИ

Бир неча кунки Шоҳи банданавоз,  
Ўз Гадосига қилди жилаво ноз.

Халқ онинг бу ҳолини билди,  
Ҳарна фикру хаёлини билди.

Бўлубон Шоҳга айбжў ҳама,  
Қилдилар бўйла гуфтуғў ҳама.

Ки: «Недин Шоҳ ўзи, бўйла ёр,  
Шоҳлар қилғуси гадодин ор.

Маснади шоҳу, бўрси гадо,  
Жамъ бир ерда бўлмағой асло.

Йўқ Гадо ишқи Шоҳга лойиқ,  
Балки ул муддаи эмас ошиқ».

Ул нафасда Гадо аён ўлди,  
Шоҳга ҳамроз, ҳамзабон ўлди.

Пок диллар қилиб дуои Шоҳ,  
Дедилар бу сифат дуои Шоҳ.

Ки: «Бу ёнглиғ Шаҳи жаҳоноро,  
Киши оламда кўрмамиш асло.

Чун Гадосига бу ато қилғай,  
Борчани ўзига гадо қилғай».

Чун бу сўзларга воқиф ўлди Рақиб,  
Борди ондин қарору сабру шикиб.

Қони танда уруб газабдин жўш,  
Кўргузуб май хуми мисоли хўрўш.

Деди: «Гар бу Гадога урсам тиг,  
Айлағумдур ўзум-ўзумга биғ».

Ки, агар Шоҳ эшитса ушбу кабар,  
Кўрмогуси юзумни то маҳшар.

Гар десам Шоҳга гарон келгай  
Демасам ҳам лабимга жон келгай.

Яхшиким ҳийлае қилиб пайдо,  
Айласам Шоҳдин Гадони жудо».

Сўнгги кун чунки ул Шаҳи даврон,  
Айлади майл жониби майдон.

Деди: «Шоҳо, етушти фасли баҳор,  
Мўътадил бўлди файзи лайлу наҳор.

Тоғу дашт ўлди боғ-ила бўстон,  
Ер юзи бўлди зеббахши жинон.

Сабза барф остидин аён ўлди,  
Пир эди даҳр навжувон ўлди.

Абри найсон етушти тоғ узра,  
Тўкти сув марғзору боғ узра.

Сёл этиб тоғдин ошоқга гузар,  
Улаким тоғ устидин аждар.

Тўшади сабза ер юзига бисот,  
Ерга қўймас оёқин аҳли нишот.

Тўқубон инжу шабнаму жола,  
Топти тарсиё косаи лола.

Бўлди боғ ичра шакли лолаю гул,  
Ошён анда байзаю булбул.

Дашт аро жилва айлаб оҳулар,  
Очибон маст чашми жодулар.

Вақтидурким чиқиб шикор этсанг,  
Сайри сахрою долазор этсанг.

Ичибон лола косасида шароб,  
Есанг айлаб кийик этини кабоб.

Жоми гулранг лолани кўрсанг  
Мастчашми ғизолани кўрсанг.

Бўлди яқинки келгач-ўқ наврўз,  
Борча хадам ила шаҳи ферўз.

Азми сахрою навбаҳор эткай  
Гаҳ ичиб бода, гаҳ шикор эткай.

Яна чун Шоҳ юрди майдонга,  
Солибон ашҳабини жавлонга.

Меҳрдек кўргузуб Гадосиға чеҳр,  
Айлади фош ҳаводин афзун меҳр.

Чун фалак сатҳидин қуёш кетти,  
Шоҳ ҳам қайтмоққа майл этти.

Айламакка Рақибни рўсиёҳ,  
Ул Гадони шикордин огоҳ.

Борча ҳамраҳларин қилиб гофил,  
Қилди бир ўқ Гадо сори нозил.

Чун ул ўқга Гадо назар қилди,  
Кўргач онинг ишоратин билди.

Деди ул: «Ўқғаким назар қилдим,  
Мақсад ондин на эрконин билдим.

Ушбу ўқ айлади манга изҳор-  
Ки, экан Шоҳда ҳавои шикор.

Мен онинг даргоҳидин эмди кетай,  
Водию тоғ ичида маскан этай».

Бўлубон ишқи дамба-дам афзун  
Кетти сахроға ўйлаким Мажнун.

Қилибон азми водию кўҳсор,  
Тутти оҳу гуруҳи бирла қарор.

ДАРВЕШНИНГ ТОҒДА СОКИН ВУЛҒОНИ ВА ВАҲШИЙЛАР  
ВИЛА УНС ТУТҒОНИ

Ул ҳаволида бор эди бир тоғ,  
Тоғ йўқким, макони дарду доғ.

Қуёшу ой бошиға тиг урғон,  
Бошини етти кўкдин ошурғон.

Ишқ эли қасдини қилиб оҳанг,  
Этокию канори тўлғоли санг.

Сел ондин баҳор оқиб гулгун,  
Дема сел оби дийдан Мажнун.

Тигидин баски ҳалқ ўлуб кушта,  
Қилибон куштадин аён пушта.

Бўлди ул кўҳи меҳнату андўҳ,  
Юз минг андўҳ бирла сокини кўҳ.

Ҳар қачон нола қилса ул вола,  
Тоғ ул ноладин қилиб нола.

Ҳар бошидин садо чиқиб ҳар ён,  
Ҳашр гавғосин айлар эрди аён.

Гиряу зор чун аён айлаб,  
Тоғдин селлар равон айлаб.

Тоғ бошини чашмасор айлар эди,  
Ер юзини долазор айлар эди.

Жумла ваҳшийлар ила ёр ўлди,  
Унс туттию дўстдор ўлди.

Онга охулар ўлди ром ҳама,  
Бул шубон эрди, ул гуруҳ — рама.

Ул гуруҳ ичра бир ғизолаи хўб,  
Бор эди бошдин-оёқ марғуб.

Нофасидин жаҳон эди мушкин,  
Оллида оҳуи Хўтан мискин.

Шўх чашме эди шўъбадабоз,  
Бошидин то оёқи ишваю ноз.

Гўиё ул шўх чашму шўх назар,  
Эди бир шўх чашмлиғ дилбар.

Они бу шакл ила чун кўрди Гадо,  
Майли онинг анго бўлуб пайдо.

Шавқ бирла онинг ғамин ер эди,  
Йиғлаб онинг ҳавосида деб эди:

«Кўзи Шоҳим кўзига ўхшайдур,  
Ғамзаю ноз бирла ўйнайдур.

Келадур асру мушксор иси,  
Берадур лаҳза-лаҳза ёр иси.

Мен ит ўлсам агар на айб анго  
Ки, берур ёрнинг исини манго.

Ер ранги агар муяссар эмас,  
Манга ондин етушса бўе бас».

**ВАҲОР ФАСЛИНИНГ СИФАТИ ВА ШОҲНИНГ  
ШИКОРГОҲДА ДАРВЕШ ВИЛА МУЛОҚОТ ҚИЛГЕНИ**

Келди наврўз, етти вақти нишот,  
Жашн ичра тўшолди сабза бисот.

Келдилар гунча бирла гул қат-қат,  
Бири яшил, бири қизил хилъат.

Гунчанинғ оғзи топти хандонлиғ,  
Тушубон жола бўлди дандонлиғ.

Наргиси тар етушти лола уза,  
Тушти махмур кўзи пиёла уза.

Гунча гулнинг юзидин олди ниқоб,  
Булбули зор ҳолин этти хароб.

Барги савсанки бўлди сабзаранг,  
Ханжаредурки тутти они занг.

Лола ўт чун тануриға урди,  
Ўт аро неча қурс куйдурди.

Похта болу пар очиб бу чоғ,  
Урди шамшод туррасиға тароғ.

Май шавқи ила бўлди булбул маст,  
Гул уза нола айлади пайваст.

Берибон сабза ришталарга тоб,  
Сабз ҳулла тўқурға қилди шитоб.

Ушбу вақт ичраким эди фаррух,  
Ул Шаҳи сарвқомату гулрух.

Сайд наззорасидин олғоли ком,  
Шаҳрдин ташқариға қилди хиром.

Бор эди ул ёвуқда бир саҳро,  
Асру эрди васеу, руҳафзо.

Туфроғи сар-басар абиромез,  
Ели бошдин оёқ нишог ангез.

Сунбулу, савсани — ҳама хушранг,  
Лоласи обдору оташинранг.

Ваҳшу тайриға сурати зебо,  
Нақш янглиғки кўргузуб дебо.

Сабзаранг қушлари чиқориб пар,  
Марғзореки тўла сабзаи тар

Сабзаси хатти лаъли хандондек,  
Лоласи орази дурахшондек.

Шоҳ чу ул дашт саҳниға етти,  
Лашкар аҳлиға бўйла амр этти-

Ки, туруб черики жумла доиравор,  
Йигносунлар не навъ бўлса шикор.

Шаҳ сўзи бирла черик солдилар,  
Уртаға сайдларни олдилар.

Қўйди чобуклар онда чувт қадам,  
Қилдилар ўқу тигларни алам.

Ҳариф ўқларға фароғ бўлди паланг,  
Доғларға фатила суқти хаданг.

Кабк истаб қочорни ҳар саридин,  
Пар чиқорди ва лек ўқ паридин.

Шер айлаб амал ғазаб фаниға,  
Панжа урди ва лек ўз таниға.

Гўр аз баски кўрди фитнаю шўр,  
Оғзи очилди ўйлаким лаби гўр.

Бўлубон оҳулар кўзи пурнам,  
Тутти ҳолиға йиғлабон мотам.

Чун қуён қўрқубон кўзин очти,  
То абад кўздин уйқуси қочти.

Қилди тилку кўруб ҳамул ошўб,  
Қуйруқин итлар оллида жорўб.

Урса ҳар қуш қочиб ҳаво сори **бол**,  
Бир ўқ они йиқор эди дарҳол.

Тебратур бўлса ҳар ғизола оёғ,  
Бир каманд они банд этиб ул **чог**.

Ул ғизолеки хотири Дарвеш —  
Мойил эрди онинг сори каму **беш**.

Ушбу черики ичида ҳозир эди,  
Шоҳнинг кўзи онга нозир эди.

Ул маҳалдаки они кўрди кўзи,  
Истади сайд қилмоқ они ўзи,

Дедиким: «Ҳеч кимса чопмасун от,  
Бир ўзим сайд айлай они бот».

Сурди от чун ғизоли раъноға,  
Чиқти сафдин, юз урди саҳроға.

Кейнида Шоҳу, илгарида ғизол,  
Етти Дарвеш устига филҳол.

Қўйди бош оллида қилиб ихлос,  
Мани, яъники, ондин айла халос.

Шоҳ чун ушбу ҳолни кўрди,  
Эътиқод айлаб ул тараф юрди.

Бориб онинг ёнида тутти жой,  
Уйлаким шоҳ хизматида гадой.

Шоҳ қизориб эди шитоб била,  
Ул куюб эрди офтоб била.

Тонимай бир-бирин ики восил,  
Уртада пардае бўлуб ҳойил.

Шоҳ деди: «Бу сифатки сенда **дурур**,  
Мунча кўп маърифатки сенда **дурур**».

Ҳарна десанг савоб бўлғусидур,  
Даъватинг мустажоб бўлғусидур.

На бўлур сидқ ила дуо қилсанг,  
Ҳожатимни манинг раво қилсанг».

Ушбу сўздин Гадо бўлиб пурдард,  
Деди оҳиста тортиб оҳи сард-

Ки: «Агар мустажоб бўлса дуом,  
Бўлмас эрдим фироқ аро ноком.

Шоҳ мен сори айлар эрди гузар,  
Зор ҳолимга солур эрди назар».

Шоҳ чу маълум онинг сўзин қилди,  
Уз Гадоси ул эрконин билди.

Деди: «Эй беҳабар, дединг не сўз?  
Шоҳ мандурмен, инак, очғил кўз».

Тахт узра ўлтуруб тиларсен шоҳ,  
Фалак узра юруб тиларсен моҳ».

Ушбу сўздин Гадо хурўш этти,  
Кетти ҳуши чу ҳуш анго етти.

Деди: «Бу сўзни қилмоғум бовар-  
Ки, бўлур ёр бу сифат ёвар».

Боракалло, нечук вафодур бу,  
Ростдурму ва ё тушимдурму?»

Кўргузубсан гар уйқуда дийдор,  
Бўлмағоймен абадгача бедор.

Жилва бедорликда қилдинг агар,  
Уйқум ўлсун ҳаром то маҳшар.

Гар кун ўлса латиф кундур бу,  
В-ар тун эрса шариф тундур бу».

Балки андешаи хаёл дурур,  
Ёр васли манго маҳолдурур».

Шоҳ тилар эрди кўбрак ўлтургой,  
Мақсадиға Гадони еткургой.

Лекин ул бимдинки хайли сипоҳ,  
Шоҳни истаб етушсалар ногоҳ».

Ҳол не эрконини билгойлар,  
Иковин шармисор қилгойлар.

Ложарам кетти Шоҳ манзилиға,  
Ботти Дарвеш ашқининг гилиға».

Бўлибон қолди дийдаси намнок,  
Ҳотири — реш, сийнаси — ғамнок.

Шод ўлур эрди топса меҳри висол,  
Йиғлар эрди етушса вақти завол.

Ваҳ, на толейки ошиқи дилреш,  
Топса бир нўш, кўргуси минг неш».

Топмади умр ичра бир роҳат-  
Ки, сўнгидин етушмади офат.

ШОҲНИНГ ТОҒ ЭТОКИДА МАЖЛИС ҚИЛҒОНИ ВА  
ДАРВЕШНИНГ ТАМОШОҒА КЕЛҒОНИ

Тунки бу базмгоҳи миноранг,  
Ичида Зухра тузди нармаи чанг.

Май-шафақ, жом чархи ахзардин,  
Бўлди омода нуқли ахтардин.

Шоҳ бўлиб бода ичкали мойил,  
Бўлди бир неча жом ичиб хушдил.

Базм учун бир маконда ўлтурди-  
Ки, Гадо тоғдин они кўрди.

Шоҳ базм ичра бўлди майхора,  
Ул йироқдин ҳам этти наззора».

Тузубон мажлис ичтилар ҳама май,  
Базм аро нола қилди чангу най».

Бўлди соқий юзи гули гул-гул,  
Гулғули шиша — нолаи булбул.

Шўхларнинг лаби шароболуд,  
Уйлаким барги гул гулоболуд.

Чехра аксин солиб шароб ичра,  
Енар ўт солди офтоб ичра».

Лаби ширину бодаи рангин,  
Етти бир-бирга бўлди лаб ширин.

Чашми соқийки, майга маст ўлди,  
Тарки махмур майпараст ўлди.

Мажлис аҳли шукуфтаю хуррам,  
Бўдилар олам аҳлидин беғам.

Зухду тақвога шиша урди санг,  
Тори тасбиҳ бўлди тори чанг.

Майи рангин тўло пиёлаи зар,  
Гули раъно намунаси яксар.

Бўлубон соф бодалиғ мийно,  
Хотири софи ошиқи шайдо.

Раз қизиким макони миnodур,  
Париким шиша анго маъводур.

Мутриби хўб андалиб оҳанг  
Кўргузуб дам-бадам ғариб оҳанг.

Даф фиғонлар чекиб нечукким маст,  
Нола маддин қилиб фалакпайваст.

Най бошида йўқ эрди ҳеч ҳаво,  
Топти бу важҳ бирла баргу наво.

Ҳар садоники зоҳир этти уд,  
Эшитиб чанг они қилди сужуд.

Нола айлаб баланду паст рубоб,  
Бўлубон беқарор шайх ила шоб.

Шакли қонун аён этиб мистар,  
Нақши жон сафҳасида сарто-сар.

Зебу зийнат топорга мажлиси Шоҳ,  
Узларин шамъ қилди Зухраю моҳ.

Чун бўлуб базм ўйлаким гулшан,  
Бўлди ондин Гадо кўзи равшан.

Деди ул «Базм жонибиға юрай,  
Шамънинг соясида Шоҳни кўрай».

Токи юз урди базмгоҳ сори,  
Ўзни еткурди базми Шоҳ сори.

Чун тополмас эрди базми висол.  
Турди бир Ҳўшада бўлуб бадҳол.

Борча нўш айлабон майи ишрат,  
Ул чекар эрди рашкдин ҳасрат.

Нағмаи най била ичиб ҳама май,  
Ул чекор эрди оҳ пай-дарпай.

Шоҳ лабиға етурса жоми шароб,  
Ул Гадо бўлур эрди масту хароб.

Шоҳ ҳариф илкидин гар ичса жом,  
Ул Гадо бўлур эрди хуношом.

Лолазор ичра Шоҳ хурраму хуш,  
Ул Гадо жонини ёқуб оташ.

Шоҳ илкига олибон соғар,  
Ул Гадога ушолибон соғар.

Шоҳ олиб бодахўрликдин ком,  
Ул Гадо талхкому заҳрошом.

Шоҳ чун жом ҳар замон ичибон,  
Ул Гадо коса-коса қон ичибон.

Шоҳ майдин юзин қилиб гул-гул,  
Ул Гадо вола ўйлаким булбул.

Шоҳнинг завқи ҳолати ҳадсиз,  
Ул Гадонинг малолати ҳадсиз.

Ул тун алқисса то саҳаргача жом-  
Давр этиб борча олди майдин ком.

Оқибат ўз ишини қилди шароб,  
Бўдилар мажлис аҳли масту хароб.

Чун бўлуб баэм эли саросар маст,  
Қилдилар бошни жом оёқида паст.

Уйқудин борчага юмулғоч кўз,  
Яна Дарвеш урди тоғга юз.

Тоғдур ишқ эли ҳамовози,  
Мундин ўлди жаҳон сарафрози.

Муттасил сўз дебон эшитгусидур,  
Боши мундин фалакка етгусидур.

ШОҲНИНГ ДАРВЕШ ВИЛА МУЛОҚОТ ҚИЛГОНИ ВА  
РАҚИБНИНГ ШОҲНИ ШАҲАРГА ДАЛОЛАТ  
ЭТКОНИНИНГ ВАЪНИ

Сўнғи кунким шуқудин айлаб фош,  
Тоғ авжидин этти жилва қуёш.

Жори ўлди жаҳонга чашмаи нур,  
Жилвагар маънии тажалли Тур<sup>6</sup>.

Шоҳ уйқусидин бўлуб бедор,  
Меҳрдек тавсанига бўлди сувор.

Ишратойину хушдила хуррам,  
Ноз ила тоғ сари қўйди қадам.

Борча ҳамроҳлариға қилди хитоб-  
Ки: «Букун мандадур хумори шароб.

Бўлмасун ҳамъинон манга ҳеч ким,  
Ҳамдаму ҳамзабон манга ҳеч ким.

Шоҳ айлаб баҳона ушбу сўз,  
Қўйди Дарвеш маскани сори юз.

Етти юз лутф бирла масканиға,  
Васл ила берди жон ўлук таниға.

Сочибон дам-бадам лабидин бол,  
Тил очиб сўрғоли Гадодин ҳол.

Дедиким: «Эй вафо аро ноёб,  
Туну кун сенда борму хўрдухоб?»

Деди: «Ғам еб мудом ичим тўқдур,  
Уйқу ўлмоқдин ўзго ҳам йўқдур».

Яна дедиким: «Кундуз, эй бадҳол,  
На тариқа ўтар санго худ ҳол?»

Деди: Кундуз, эй кўзим қондур,  
Яъни андуҳу ғамда гирёндура.

Яна дедиким: «Тирадурму тунинг,  
Нола бирла чиқорму кўкка унинг?»

Деди: «То тонггача чекарман оҳ,  
Енар оҳим ўтиға анжуму моҳ».

Яна дедиким: «Маҳраминг кимдур,  
Соҳиб розу ҳамдаминг кимдур?»

Деди: «Оҳим дурур жалис манго,  
Ҳамраҳу, ҳамдаму, анис манго».

Яна дедиким: «Кўнглинг ичра не бор,  
Қайси дилбар хаёлидур санга ёр?»

Деди: «Йўқ, кўнглум ичра йўқ ҳеч нима,  
Сендин ўзга не эрса кетти ҳама».

Муддати сурдилар бу навъи мақол,  
Бир-бирига дебон жавобу савол.

Яна Шоҳ манзлиға қилди хиром,  
Қолди Дарвеш хастаю ноком.

Тонгласи ҳам шаҳи фалакпоя,  
Солди Дарвеш бошиға соя.

Бир неча кун бу навъ от сурди,  
Узни ҳар кун Гадоға еткурди.

Шаҳ иши ушбу эрдиким ногоҳ,  
Бўлди бу қиссадин Рақиб огоҳ.

Яна бир ҳийла топиб ул гаддор,  
Айламакка Гадони ҳажр аро зор.

Деди: Шоҳо, гули баҳор ўтти,  
Вақти саҳрою лолазор ўтти.

Сайр қилдинг фазои саҳрони,  
Кўрдинг андозасиз тамошони.

Шаҳарға эмди маркабинг сургил,  
Ўзни қасру сароға еткургил.

Коминг ол соқии дилородин,  
Шаҳр ити хуш ғизоли саҳродин.

Даҳр доруссаломии — шаҳрдурур,  
Шоҳларнинг мақоми шаҳрдурур.

Шаҳрдиндур муроди дил ҳосил,  
Мустафоға Мадинадур манзил.

Шаҳрнинг боми бирла девори,  
Соя эл бошиға солур бори.

Уйлари дилкашу фараҳ афзо,  
Яхшилар анда айламиш маъво».

Мундоқ ақволға бўлиб қойил,  
Шаҳрға Шоҳни айлади мойил.

Яна қолди Гадо фироқ ичра,  
Оташи дарду иштиёқ ичра.

Ғаму андуҳ беҳад ўлди насиб,  
Бошиға бу бало етурди Рақиб.

Бўлмасун кимсага Рақиб ғами,  
Етмасун фурқати ҳабиб алами.

Васли жонон, ағарчи жондин хуш,  
Лек марги Рақиб ондин хуш.

ТАМУЗ ҲАВОСИНИНГ СИФАТИ ВА ШОҲГА ТИБ  
БЕМОРЛИГИНИНГ ОРИЗ ВУЛҒОНИ ВА ҲУКАМО  
МУОЛИЖАСИ ВИЛА СИҲАТ ТОПҒОНИ

Чунки анжум шаҳи суруб якрон,  
Саратон манзилида тутти макон.

Куйди тоби самумдин раги жон,  
Бўлди бошларда мағзлар жўшон.

Тобдин наҳрлар суйи қуруди,  
Сув умидидин эл илик ювди.

Бўлса ҳар қушға сув ичида макон,  
Бўлди ёғиға қовурулуб бирён.

Ҳар киши сурса тавсани саркаш,  
Тавсани бўлди наъли дар оташ.

Муз баҳоси кумушдин ўлди оғир,  
Они ҳам топмойин сув бўлди боғир.

Гармлиқдин маҳи жаҳонафрўз,  
Бўлди тунлар жаҳондек оламсўз.

Демогил ҳар сори нужуми фалак,  
Тирдурурким оқизди хайли малак.

Маҳвашлар узори тўкти арақ,  
Тўккой ул навъким ситора шафақ.

Бўйла кунлар аро магар бир кун,  
Сочти кўбрак қуёш ўти учқун.

Шоҳнинг жигарига солди тоб,  
Қилди орому сабрини ноёб,

Ут мисиллик қизорди рухсори,  
Ўзга навъ ўлди тарзу рафтори.

Сорғойиб офтоби талъати Шоҳ,  
Шамъ ранги тутти машъали моҳ.

Шоҳ отоси эди ситораи ҳашам,  
Хусрави чарху тахту меҳру алам.

Лашкарига шумора йўқ пайдо,  
Кишварига канора йўқ пайдо.

Кўси бирла жаҳон пур овоза,  
Адлу аҳсонига йўқ андоза.

Кўрубон ўгли заъфини ногоҳ,  
Ёқти гардунни тортиб ўтлуғ оҳ.

Ки, ўғулға ото муҳаббати кўб,  
Бўлғуси доғи меҳру шафқати кўб.

Заррача чашми захм топса ўғул,  
Чок-чок ўлғуси отоға кўнгул.

Отоларға ўғул бўлур маҳбуб,  
Кўр ҳикояти Юсуфу Яъқуб.

Борча зебо ўғулғадур толиб,  
Борчадин кўп ото бўлур роғиб.

Хусрав ул ишга топмойин чора,  
Юраки ғамдин ўлди юз пора.

Ҳар ҳакимеки юрти ичра эди,  
Чоқириб борчасин оларға деди,

Ким: «Бу фарзади хўбу бемонанд,  
Бордурур чорангизға ҳожатманд».

Ҳукамоким гуҳарбаён эдилар,  
Хусрав оллида тил очиб дедилар.

Ки: Билур кимсаким суҳандондур-  
Ки, бу фасл ичра шаҳр зиндондур.

Ушбу вақт ичра яхшироқ маъво,  
Йўқтурур жуз канораи даръё.

Лаби даръё эрур лаби дилбар,  
Тошида сабзаю ичида гуҳар.

Муътадилдур ҳаво анго ҳама вақт,  
Файзбахшу тарабфизо ҳама вақт.

Қилғусидур ҳавои хушк зарар,  
Лаби дарёдадур ҳавои тар.

Шоҳға сийҳат ўлғуси ҳосил,  
Тутса дарё канорида манзил.

Бор эди ул ёвуқда бир даръё  
Мавж ила тўлмиш эрди сар то по.

Ул сифат кенг эдики юз қулзум,  
Бир ҳубоби ичида эрди гум.

Чарх иши ондин изтироб бўлуб,  
Кирибон ер тубига об бўлуб.

Мавжи гардунға бош чекиб ҳар гоҳ,  
Яъни ул ғарқа қилди моҳию моҳ.

Қилди оламни об бирла хароб,  
Оре, ўлғой бу навъ олами об.

Неча ғаввос кўшиш айлади фош,  
Лекин ондин чиқоро олмади бош.

Ҳаддин афзун анго гуҳар била дур,  
Кафи холи, вале канораси пур.

Йўқ эди гуҳарига ҳадду шумор,  
Регдек соҳилида юз хирвор.

Ўглини хусрави хумоюнфол,  
Қилди онинг канориға ирсол.

Борибон чун Шаҳи жаҳоноро,  
Манзил этти канори дарё.

Ул ҳаво берди жисмиға қувват,  
Етти ҳусниға зеб ила зийнат.

Ғули рухсори топти раънолиғ  
Сарви рафтори олди зеболиғ.

Булажаб бўлди қаду қомат анго,  
Қойим ўлди магар қиёмат анго.

Сустлиғ борди, жисми чуст ўлди,  
Ҳар жиҳат бирла тандуруст ўлди.

Нақди жон бошига фидо бўлсун,  
Юз жаҳон йўлида гадо бўлсун.

ГАДОНИНГ ДАРЁ КАНОРИДА ШОҲ ВИЛА ИХТИЛОТ  
ҚИЛГОНИ ВА ШОҲ АНГА ХОТАМИН БЕРГОНИ

Чун эди баҳру кон саро-сар пур,  
Бириси лаъл берди, бириси дур.

Бирни айлаб нигин, бирин хотам,  
Қилдилар нақш оларга бўйла рақам.

Чунки ул Шоҳ маснади тамкин,  
Мулки сиҳдатни қилди зери нигин.

Бўлди дурри ягонадек якто,  
Жилвагоҳи канораи дарё.

Хотири сайдга бўлуб мойил,  
Туну кун эрди маскани соҳил.

Токи ул сайдгоҳ мақоми эди,  
Мурғу моҳи асири доми эди.

Чунки ул баҳрнинг канорида,  
Беҳжатафзо марғзорида.

Воқеъ эрди ҳамул муалло тоғ-  
Ки, эди ул Гадоға жон фароғ.

Тоғ Дарвешга ватан эрди,  
Бесутун жон Кўҳкан эрди.

Ожиз ўлмуш эди чекордин оҳ.  
Эрди андоқки кўҳ уза бир коҳ.

Ҳар қачон ғамдин ўлса беором,  
Қилибон тоғ қулласига хиром.

Йиғлабон Шоҳнинг ғамин ер эди,  
Қаср боми сори боқиб дер эди-

Ки: «Гар йўқтур ул сори гузарим,  
Лек бордур йироқдин назарим...»

Қилибон сўз демак сабоға ҳавас,  
Дер эди: «Эй амини пок нафас.

Кўрсанг ул ёри дилнавозимни,  
Оллида арз қил ниёзимни-

Ки, бу дам санда ёр бўйи бор,  
Файзосор хоки кўйи бор.

Тўк бошим узра хоки кўйини,  
Ур димоғимга пок бўйини».

Бир кун атрофга боқор эрди,  
Кўзидин сели ашк оқор эрди

Кўрди дарё канорида ногоҳ,  
Хаймаю шомиёнаю хиргоҳ.

Хаймаларда сутуни пурзийнат,  
Чодир ичра арўси хуш қомат.

Олор ичра бор эди бир хиргоҳ,  
Хайли анжум аро нечукким моҳ.

Боши хиргоҳнинг фалакфарсо,  
Атласи чарх эрди пўшиш анго.

Хиргоҳ атрофида саропарда,  
Ойга бўлгон киби само парда.

Деди: «Билдим ҳақиқати хиргоҳ,  
Манзили моҳ, балки хиргаҳи шоҳ.

Дема хиргаҳи моҳ, бадр дегил,  
Офтоби баланди қадр, дегил.»

Сўнгра дарё лабиға қилди майл,  
Тоғдин ўйлаким қуйи сори сайл.

Бориб ўрду канорасига равон,  
Қилди бир гўшада ўзин пинҳон.

Ногаҳон даври чарх кор этти,  
Шоҳ андешаи шикор этти.

Шоҳбозин қўлига олди равон,  
Бозга сидра шохи бўлди макон.

Сифати бозин айлабон оғоз,  
Деди: «Бу боз осмонпарвоз.

Сайд олмоқда гар эрур ферўз,  
Менинг илкимга лек навомўз.

Гар эшитса садои суми саманд  
Рам қилиб давр этар ҳавога баланд.»

Чун бу сўзни эшитди аҳли сипоҳ,  
Бўлмади ҳеч кимса ҳамроҳи Шоҳ.

Шоҳ танҳо бўлуб қуёшосо,  
Бўлди майдон сори қадам фарсо.

Шоҳдин йўқ эди Гадо хабари,  
Шоҳга ҳам зори бенаво хабари.

Шоҳ анго чун ёвуқ етушмиш эди,  
Айлаб андеша ўз-ўзига деди -

Ки: «Агар хусрави баланд мақом,  
Охират мулки сори қилса хиром.

Сўнгра оёки шоҳ ким бўлғай?  
Соҳиби мулку жоҳ ким бўлғай?»

Иттифоқо ҳамул Гадо ногоҳ,  
Ул нафас деди оҳ тортиб: «Шоҳ!»

Шоҳ деди: «Бу ғариб ҳол ўлди,  
Шоҳлиқимга хужаста фол ўлди.

Мен дедим, подшоҳ ким бўлғай,  
Шоҳи мулку сипоҳ ким бўлғай?»

Ҳотифе деди: Шоҳи шоҳ мен мен,  
Лойиқи тахт ила кулоҳ мен мен.

Сўнгра дедики, эйки, дединг шоҳ,  
Шоҳ мендурмен, инак, айла нигоҳ».

Эшитиб ондин ушбу сўзни Гадо,  
Сачрабон турди жон қилурга фидо.

Упубон дасту пойи ашҳабни,  
Қилди меҳроб наъли марқабни.

Деди: «Ерабки, бу хужаста ҳилол,  
Бўлмасун кам ўтуб неча маҳу сол.

Баданин гарддек нажанд этти,  
Узни фитрок учиға банд этти-

Ки, каманди иродатим будур,  
Сийнабанди саодатим будур».

Қўюбон йўли узра рўйи ниёз,  
Қилди бир неча гуфтуғу оғоз.

Сўнгра Шоҳ оллида фиғон айлаб,  
Додхоҳ расмини аён айлаб.

Деди: «Шоҳо, эшит бу додимни,  
Номурод этма, бер муродимни.

Чора қил жони дарднокимга,  
Йўқса, чек ханжаринг ҳалоқимга.

Манго айлаб мудом жавру жафо,  
Қилғосен ўзгаларга меҳру вафо.

Меҳнати дарду ғам бўлур охир,  
Давлати ҳусн ҳам бўлур охир.

Кўрки, бир зулм айлагач гардун,  
Қолди боқи не Лайли, не Мажнун.

Оч бу оламга чашми ибратбин,  
Қони осори Хусраву Ширин.

Маснади Миср қолди Юсуфдин,  
Етти эл ўлголи таассуфдин.

Булбул айлаб бу ғам била афгон-  
Ки: «Адам гулни қилди фасли хазон.»

Шоҳ гулдек бу сўз била очилиб,  
Ўз Гадосига лутфу меҳр қилиб.

Дедиким: «Ҳокими азал ҳақи,  
Моликул мулук валам язал ҳақи.»<sup>7</sup>

Гар бўлуб дастёр толеи бахт,  
Манго махсус бўлса тожу тахт.

Салтанат бирла сарбаланд ўлсам,  
Халқ аросида аржманд ўлсам.

Ҳамдам ўлғум санинг била ҳама ҳол,  
Саҳару, шому, ҳафтаю, маҳу сол.

Гар бу сўзда тилар эсанг ҳужжат,  
Инак ол хотамимни, тоб роҳат.

Ҳужжат ичраки нақши хотам эмас,  
Ҳеч ҳукми онинг мусаллам эмас».

Хотамин топшуруб Гадо қўлига,  
От суриб кетти Шоҳ ўз йўлига.

Чун Гадо тангри лутфидин ногоҳ,  
Кўрди ўз бармоқида хотами Шоҳ.

Деди: «Бу хотами Сулаймондур,  
Манго олам мутеъи фармондур.

Тушса ҳар ким қўлига ушбу нигин  
Бўлғусидур мутеъ рўи замин.

Ҳалқасидур мисоли ҳалқаи жим,  
Хам нигин шакли шакли чашми мим.

Бу сифат жиму мим базе камдур-  
Ки, буларни Гадо топар Жамдур.

Ул даҳан шаклу, бу нигин берайб  
Гар муни бўса қилсам эрмас айб.»

Бўса қилди онию урмади дам-  
Ки, лаби муҳри эрди ул хотам:

Токи онда нигину хотам эди,  
Жоми Жамшиду хотами Жам эди.

Бўлди Шоҳ ишқнинг гадоликдин,  
Топти комини бенаволикдин.

Шоҳлиқ ул сифат гадоликдур-  
Ки, онинг коми бенаволикдур.

ХУСРАВНИНГ ШОҲ ТАЛАБИГА НОМА ЮБОРГОНИ ВА  
ШОҲНИНГ САҲРОДИН ҚОЙТИВ ШАҲАРГА КЕЛГОНИ

Роқимеким бу сўзни қилди рақам,  
Сафҳага бўйла сурмиш эрди қалам-

Ки, олиб Хусрав илкига хома,  
Шоҳ олдиға ёзди бир нома.

Нома йўқ, навхате эди зебо,  
Холу хатдин юзи топиб оро.

Хўблуқ онда бениҳоят эди,  
Тўла авроқ зебу зийнат эди.

Е муанбар абир ила варақе,  
Еки тўлғон гуҳар била табақе.

Нақши унвонидур жаҳоноро,  
Хатти мазмунидур фараҳафзо:

«Ҳосили қисса улки ҳазрати Шоҳ,  
Ғайрати офтобу хижлати моҳ.

Моҳвашлар гуруҳининг шоҳи,  
Шоҳвашлар нужумининг моҳи.

Боги умрим ниҳоли зебоси,  
Мулки жоним шаҳи дилороси.

Улки, кўнглум ҳамеша роғиб анго,  
Улки жоним ҳамеша толиб анго.

Керак улким, бу номани кўргоч,  
Хатти мушкин хитомани кўргоч.

Рахши давлатни бу тараф сургой,  
Ўзини бу ҳазинга еткургой-

Ки, йўқ эмди фироқига тоқат,  
Меҳнату иштиёқига тоқат.

Умрни барқи тез фаҳм этгил,  
Барқга эътимод йўқтур, бил.

Хосса умреки мен киби пире,  
Берди қўлдин, йўқ анга тадбире.

Эмди сен мен ҳазинга лутф этгил,  
Бошима маргдин бурун етгил.

Фироқинг ичра борди кўздин нур,  
Ҳам кўнгулдин йироқ тушти ҳузур.

Чашми гирёнима тараҳҳум қил,  
Дили вайронима тараҳҳум қил.

Сабр ила ақлу ҳуш кетти, кел,  
Жон гамингдин лабимга етти, кел.»

Шоҳ отоси хатини чун кўрди,  
Жониби шаҳр маркабин сурди.

Бўлди гўёки кўргузуб жавлон,  
Юсуфи Миср озими Канъон.

Шаҳр суккони жумла безҳмол,  
Шоҳга айладилар истиқбол.

Нозанинлар бўлуб тарабойин,  
Кийдилар борча жомаи рангин.

Баъзиси айлабон тўнини ёшил,  
Сабзалар ичра гул тасаввур қил.

Жомасин баъзи айлаб анбарфом,  
Меҳр қилгон киби либосин шом.

Айлабон баъзи жомасини оқ,  
Нахлдекким шукуфа бошдин оёқ.

Баъзи гулнорранг кийди қабо,  
Қилди гулдаста шаклини пайдо.

Баъзи нили либос, гулгуна чеҳр  
Бордур ул навъким сипеҳр аро меҳр.

Борчаси Шоҳ интизорида,  
Ўлтуруб йўл ики канорида:

Ногаҳон чатри Шоҳ бўлди аён,  
Чархгардони моҳ бўлди аён.

Шоҳ оллида борча саф тузди,  
Расми одоб ҳар тараф тузди.

Ул дам ул навъ ҳол бўлди падида,  
Ки, етушти магарки соати ид.

Шоҳ чун Хусрав олдиға етти,  
Хаста кўнглини пурсурур этти.

Қадри, қадри фалакдин ўтти онинг,  
Иззи боши малакдин ўтти онинг.

Эй хуш ул кунки меҳнат очиб юз,  
Ёр дийдориға етушкой кўз.

Бошу тап хоки поси бўлғой онинг,  
Дилу жоним фидоси бўлғой онинг.

Ҳар кишига бу иш муяссар эмас,  
Гулга лойиқ эмастурур ҳар хас.

Етмагай ҳар киши қўлиға жом,  
Олмагай борча бу тарафдин ком.

Ераб, ўз ҳусни дилкашинг ҳақи,  
Хайли ушшоқи дилхушинг ҳақи

Ки, мани ҳам етур бу давлатга,  
Васл базмида айшу ишратга.

ХАЗОН ФАСЛИНИНГ СИФАТИ ВА ХУСРАВНИНГ ВАФОТ  
ТОИҒОНИ ВА ШОҲНИ ОЛДИГА ЧОҚИРИВ ВАСИЯТ  
ҚИЛГОНИ

Будур иқтисои лайлу наҳор-  
Ки, кўрар офати хазонни баҳор.

Шоҳким чарх уза етурди ўзин,  
Қўйди охир ер узра бошу юзин.

Боғ аро чун етушти вақти хазон,  
Сабзау гул адамга бўлди равон.

Бўлди барча бинафшанинг қади хам,  
Кийди эгнида жоман мотам.

Ранги норанж заъфарон ўлди,  
Рашки унноб арғувон ўлди.

Гул кетиб боғ ичида қолди тикан,  
Айшу ишрат ерини тутти миҳан.

Гард остида қолди рўи беҳи  
Бўлубон хайли бард хоки раҳи.

Нор юз пора кўнгли қон ўлди,  
Поралар пардадин аён ўлди.

Етибон гарму сарддин осеб,  
Ғоҳ сорғорди, гаҳ кўкарди себ.

Шоҳдин сарнигун тушуб писта,  
Чиқти мағзи сари бўлуб хаста.

Захмнок ўлди пайкари бодом,  
Етуруб чашми захм анго айём.

Хўшалар тоқлардин ўлди жудо,  
Лаълу дур иқди тушти туфроқ аро.

Шоҳлардин тўкилди баргу бор,  
Гул кетиб гулистонда қолди хор.

Булбул ўлди хомуш бошдин-оёқ,  
Тил нечук сўз дегой йўқ эрса қулоқ.

Қумри зор беҳурўш ўлди,  
Савсани хушзабон хамўш ўлди.

Бўйла ҳашам ароки хусрави гул —  
Бордию, ўлди ҳажрида булбул.

Хусрави тожбахшу мулкситон,  
Ўзга оламга қилди майл аён.

Тушти гаҳ тобга, гаҳи табга  
Кўнгли жонга етушти, жон лабга.

Табу тоб этти тер юзида аён,  
Ўйлаким сув ичида барги хазон

Пўст ила устухон бўлуб бадани,  
Балки де: анкабутнинг расани.

Етти ранжу аламдин жонга,  
Дарддин кўнгли етти афғонга.

Ортибон дард шиддати охир,  
Ўзга навъ ўлди ҳолати охир.

Шоҳни хизматиға қилди талаб,  
Деди очиб васият этколи лаб:

«Адл ила мамлакатга султон бўл  
Зулмдин доимо гурезон бўл.

Токи, сандин улус топиб роҳат,  
Кўрмасун меҳнату, ғаму кулфат.

Хайли дарвешнинг ризосига боқ-  
Ки, омордур саромади офоқ.

Фақрдин кимки, топти оғаҳлиғ,  
Қилмади майли шавкати шаҳлиғ.

Неча султони оқибатандеш,  
Бўлди шаҳлиғни тарк этиб дарвеш.

Ким келиб даргоҳингга дод этса,  
Талаби соҳиби мурод этса.

Юзига гул киби табассум қил,  
Яхши сўзлар била такаллум қил.

Агар ул ҳайбатингдин ўлса лол,  
Санга арз айлай олмаса аҳвол.

Қалам аҳлиға эътимод этма,  
Езса ҳар сўз эътиқод этма.

Ҳар жароҳатки, ул ситамдиндур,  
Билгил, албатта ул қаламдиндур.

Илмнинг қийматиға берма шикаст,  
Шарънинг қадрини ҳам айлама паст.»

Бу васиятни чуи тамом этти,  
Берди жону жинон сори кетти.

Борча эл мотамида чекти фиғон,  
Гўёким қиёмат ўлди аён.

Шўълаи оҳ чиқди гардунға,  
Дажлаи ашк етти Жайҳунға.

Ҳама олам хурушдин тўлди,  
Ҳама одам сиёҳпўш ўлди.

Тутубон мотамин бори лашкар,  
Қаро ранг ичра ботти сарто-сар.

Қарориб борча лашкари онинг,  
Мулки ҳинду ўлди кишвари онинг.

Белига боғлагон гуҳарли камар,  
Ғамидин топти тоб сарто-сар.

Фурқатида қаро кийиб хотам,  
Тутти йиртиб узорини мотам.

Бўлди бошдин айру тожи зар,  
Негоким қолди мамлакат бесар.

Тахти туфроқ уза макон этти-  
Ки, Сулаймони мамлакат кетти.

Яъни, эл оҳ тортибон гамнок,  
Баъзи айлаб яқою сийнани чок.

Ашк ила ювдилар ўлук баданин,  
Ҳуллади қилдилар ориғ кафанин.

Элтибон жониби лаҳадга равон,  
Қора туфроқда қилдилар пинҳон.

Улки авжи фалак нишман анго —  
Эрди, охир ер ўлди маскан анго.

Улки бошиға тожи зар урди,  
Ер тубига бошини еткурди.

Улки кийди ҳарир пирохан,  
Чиқориб пироханни кийди кафан.

Даҳр аро ҳеч ким қадам қўймас-  
Ки, қадам жониби адам қўймас.

Ким қилди бешик аро манзил,  
Қилди тобутни оқибат маҳмил.

Даҳр боғи эрур ажаб бир боғ-  
Ки, онго лола келди қонлиғ доғ.

Тарабу айш бўйи йўқ гулида,  
Ҳам навои нишот булбулида.

Ғунчасининг лабики хандондур,  
Бўлубон қон ичи, паришондур.

Ҳар бинафшаки кўргузур бўстон,  
Бир суманбар хатидин онгла нишон.

Лолаким бош чиқорғуси ҳар йил,  
Бир рухи лолагун нишонаси бил.

Тоза сарвеки бўлғуси пайдо,  
Бир сиҳиқад намунаси гўё.

Оқил эрсанг жаҳонни тарк этгил,  
Мард эсанг хонумонни тарк этгил.

Бебақодур бу олами фони,  
Хушманд эрсанг айла тарк они.

ШОҲНИНГ ОТОСИ УРНИГА САЛТАНАТ ТАХТИГА  
МИНГОНИ ВА ДАРВЕШНИНГ ШОҲ ВИСОЛИГА ЕТИВ  
ЯНА МАҲРУМ БУЛҒОНИ

Даҳрдур бир каманди печо-печ,  
Ҳеч анга хотирингни боғлама ҳеч.

Гар эсанг ҳушманду гавҳарсанж,  
Бил бу оламни арсан шатранж.

Ҳар замон кўрки, бир ўйин бирла,  
Келтурур ушбу арсага бир шаҳ.

Бўлди Хусравга жонинин чун Шоҳ,  
Топти ҳаддин зиёда давлату жоҳ.

Адлу аҳсон йўлига қўйди қадам,  
Халқни қилди хушдилу хуррам.

Даври андоққи, даври май хуш эди,  
Борчага дилқушою дилкаш эди.

Етмайин ҳеч қимсага озор,  
Йўқ эди ҳеч бир қўнгулда губор.

Борча мавлум ғамдин осуда,  
Ғуссадин зулм аҳли фарсуда.

Шаҳна тоб ичра ўйлаким гесу,  
Фитна хоб ичра ўйлаким уйқу.

Мамлакатда ихрож заҳмати йўқ,  
Халқда эҳтиёж заҳмати йўқ.

Суду савдо кишида йўқ асло,  
Зулфи ёр ўлди суд ила савдо.

Лашкар аҳли қўлидин аҳли замон,  
Кўрмади кашмақаш, магарки камон.

Ҳеч ким эрмас эрди зору низор,  
Магар улким бор эрди ошиқи зор.

Бўлса ҳар кимса бенаво ногаҳ,  
Булғоч аҳволидин онинг огаҳ.

Онга шаҳ айлар эрди ўйла карам-  
Ки, бўлур эрди муңьими олам.

Айласун раҳмат ул атоға худо-  
Ки, халаф бўйла қолди сўнгра анго.

Офарин эрди ул садафга нисор-  
Ки, берур бўйла гавҳари шаҳвор.

Ул дарахти куҳан эрур хушқол-  
Ки, қолур ондин ушбу навъ ниҳол.

Шоҳ чун шаҳлиғ ихтиёр этти,  
Ул Тадога ҳамул хабар етти.

Шод ўлуб чуст ўрнидин турди,  
Шоҳ даргоҳи сори юз урди.

Деди: «Қилсам бориб қошига дуо,  
Айлагай Шоҳ ваъдасига вафо.»

Хотами Шоҳниким эди зарҳал,  
Топшуруб эрди Шоҳ анго аввал.

Элтибон маҳрамига топшурди,  
Маҳрам олдию Шоҳга еткурди.

Кўзи Шоҳнинг чу тушти хотамига,  
Боқибон лутф бирла маҳрамига.

Деди: «Улким кетурди бу хотам,  
Кектуруб они қил манго ҳамдам.»

Шоҳ даргоҳиға чу етти Гадо,  
Бўлди тандин Рақиб жони жудо.

Шоҳи душмангудозу дўстнавоз,  
Кийибон хилъати ниёзу ноз.

Кулуб онинг юзига бошлади сўз,  
Олмади лаҳза юзидин кўз.

Сўзидин берди жониға қувват,  
Тун-кун этти ўзига ҳамсуҳбат.

Юзидин қилмайин кўзини йироқ,  
Тутар эрди онинг сўзига қулоқ.

Ошиқиға қилиб навозишлар,  
Кўргузур эрди лутфу нозишлар.

Неча кун бу сифат тузуб суҳбат,  
Коми дил бирла қилдилар ишрат.

Лек ҳар дам эрур синеҳраға иш,  
Айламак ўзга ҳол ила гардиш.

Васл аро гар бировни шод айлаб,  
Яна ҳижронда номурод айлар.

Доним асбоби васл эмас пайдо,  
Гар бугун бўлса, йўқтурур тонгло.

Деди ровий бу сўзниким, ул дам-  
Ки, Гадо эрди Шоҳға маҳрам.

Етти Шоҳ олдиға бу навъ хабар  
Ки, ҳама лашкари фалон кишвар —

Шоҳнинг қасдиға бўлуб жозим,  
Бу диёр узра бўлдилар озим.

Адади йўқ, доғи қадам то фарқ —  
Бўлубон барча кўк темур аро фарқ.

Шоҳ керакким, бу ҳолини билгай,  
Хасмининг дафъи фикрини қилгай.

Чу бу сўздин Рақиб эди огоҳ,  
Рашкдин деди Шоҳға тортиб оҳ:

«Уқало оллида эрур маълум-  
Ки, назар шумларға қилмоқ шум.

Кимни бахт қилса хору нажанд,  
Қила олмассен они иззатманд.

Бўлғил ушбу Гадодин безор-  
Ки, ўзидек сани ҳам айлар хор.

Бўлсун оввора ушбу Гадо-  
Ки, мунинг шомини кетурди бало».

Бу сифат айлабон они мазмум  
Охир этти висолидин маҳрум.

Шоҳдин чун Гадо жудо тушти,  
Бошиға чорасиз бало тушти.

Деди: «Ерабки, бу на ҳолатдур,  
Ваҳ, бу на ранж ила малолатдур.

Егса ҳар фитна абридин гар тош,  
Мени мазлумға ушотур бош.

Чиқса ҳар ғусса даштидин гар хор,  
Зор кўнглумға еткурур озор.

Назарим қайси гулга тушса агар,  
Бўлуру ул хор, балки юз ништар.

Ногаҳон олсам илгима бир жом,  
Заҳр ўлуб бода, бўлғомен ноком.

Топсам истаб чу чашмаи зулмот,  
Шарбати марг бўлғой оби ҳаёт.

Истабон ком йўлга қўйсам гом,  
Йиқилурман қуруқ аро ноком.

Ул қуруқдин чиқарса гар бахтим,  
Яна йиқғуси толин сахтим.

Од, бу бахти вожгунимдин,  
Вой, бу толин забунимдин.

Бу тирикликдин ўлганим яхши,  
Қаро ерга кўмулганим яхши.

Марг истаб лабимға етти жон,  
Жон бериб марг истарам ҳар ён.

Тобакай чиқғай оҳу афгоним,  
Кўшки чиқса жисмдин жоним.

Нафсим ўтидин танимда халал,  
Кош, қатъ этса бу нафси ажал.

Йўқ кўнгулда нишотдин асаре,  
Балки ғамдин анго етар зараре.

Даври гардун на истагай мандин-  
Ки, асар қўймади ҳазин тандин.

Чархи золим эшитмади додим,  
Тутти мундин фалакни фарёдим.

Даҳр золи улус фиреби учун,  
Тимайин макру ҳийладин тун-кун.

Узига зеб бергуси ҳар дам,  
Токи майл айлағай анга олам.

Рост биағил миллати каждур,  
Эти шуму жибилаати каждур.

ҚИШ МАВСИМИНИНГ СИФАТИ ВА ШОҲНИНГ  
ДУШМАНИГА ЗАҒАР ТОПҒОНИ ВА РАҒИВНИНГ МАҚТУЛ  
БУЛҒОНИ ВА ШОҲ БИЛА ГАДО ҲАМСУҲВАТ БУЛУВ БИР  
НЕЧА КҮН ИШРАТ ҚИЛИВ ОЛАМДИН УТҚОНЛАРИ

Мунча қиш мавсими етушти равон,  
Бўлди ўт тоби элга роҳати жон.

Боқти эл офтобга пайваст,  
Бўлди гўёки офтобпараст.

Баски афсурда бўлдилар яхдин,  
Истадилар мақом дўзахдин.

Чархдин меҳр тезрак кетти-  
Ки совуқдин анго зарар етти,

Балки олам аро йўқ эрди қуёш,  
Ҳама тун эрди, кун эмас эди фош.

Бўлди ўт рутбаси фузун гулдин,  
Дудининг қадди шохи сунбулдин.

Сўздин етти таниға жавшан сув,  
Балки борча либосин оҳан сув.

Урса маркаб агар муз устига гом,  
Сиккадор ўлур эрди нуқрай хом.

Кичқуруб раъд зоҳир етти ситез,  
Жола тошини ҳар дам отиб тез.

Бўйла айём ароки чиллаи дай,  
Тирборон етурди пай-дарпай.

Шаҳрдин Шоҳ отланиб юрди,  
Душмани жонибиға юз урди.

Чекти лашкар аду диёри уза,  
Токи етти онинг ҳисори уза.

Ясадилар ики тарафда ясов,  
Жилвагар икки ёндин ўлди ялов.

Ҳар тараф тиғи тез ўлуб пайдо,  
Фитнау рустахез ўлуб пайдо.

У зирҳни ханжарлар,  
доқни сабзаи тарлар.

Бўлди микроз қорчошиб неча тиг,  
Эл бошин қатъ қилмоқ айлаб биг.

Еллар эгнида найза бўлди муқим,  
Уйлаким Тур уза асои Калим.

Гард қилди фалак сори оҳанг,  
Ер дағи чарх бирла тузди жанг.

Кўҳтанлар бошида гарду ғубор,  
Боғ бошида абрдек сайёр.

Кимки хасмига урса ханжари бим,  
Хасмининг жисмин айлар эрди ду ним.

Ҳар кишининг бошига етса тиг,  
Утубон ерга айлар эрди биг.

Ииқилиб оти бирла зеру забар,  
Туфроқ узра ётор эди музтар.

Сар-басар ер юзи бўлуб пурхун,  
Мавжи онинг шафақ киби гулгун.

Шафақеким фалакдадур ҳоло,  
Қилур ул хун нишонасин пайдо.

Бор эрди ушбу арсада Дарвеш,  
Шоҳга манзил эди, анго дилреш.

Қўлини кўтариб дуо сориға,  
Юзини эвуруб само сориға.

Шоҳнинг нусратин тилар эрди,  
Хасмининг зиллатин тилар эрди.

Ногаҳон хасми қочти майдондин,  
Тилку ондоқки шери ғаррондин.

Турфаким, бу сифат уруш чоғи-  
Ки, чекор эрди тиглар ёғи,

Бўлмади кимса жуз Рақиб ҳалок,  
Гар Рақибе ҳалок бўлса не бок?!  
Бўлмағил ушбу турфага қонё,  
Турфароқ сўзго эмди бўл сомё.

Кеча вулфики берди халқга даст,  
Қурси хуршидга етушти шикаст.

Бўлди гардун тани муламмаъ ҳам,  
Чатри ферузагун мурассаъ ҳам.

Бўйла туш кўрди жумла Шоҳу сипоҳ-  
Ки, Шоҳ олдиға келди бир огоҳ.

Хизр ёнглиғ анго очуқ талъат,  
Киймиш эгнига бир яшил кисват.

Деди: «Ул вақтеким уруш қилдинг,  
Душманинг қасдиға юруш қилдинг;

Санга ул нусратеким ҳақ берди,  
Ул Гадонинг дуосидин эрди.

Турғил они ўзунга маҳрам қил,  
Шод этиб лутф бирла беғам қил.

Шоҳ уйғонди уйқудин ул дам,  
Кўрмиш эрди бу тушни лашкари ҳам.

Ундаб этти Гадони маҳрами хос,  
Ҳажрдин қилди васл бирла халос.

Кимки, чекса фироқи жононин,  
Сўнгра топғуси роҳати жонин.

Яхшидур заҳри ҳажру, ранжу, малол,  
То билингай недур шаробин висол,

Ҳажрдин сўнг агар висол ўлмас,  
Шеваи ишқға камол ўлмас.

Шоҳу Дарвеш мисли ширу шакар,  
Бир-бири бирла бўлди шому саҳар.

Шоҳ қилиб жилва иззу ноз била,  
Бўлди Дарвеш иши ниёз била.

Даъби маъшуқ ноз бўлғусидур.  
Расми ошиқ ниёз бўлғусидур.

Улгуча бир-бирига ёр эдилар,  
Соҳибхлосу роздор эдилар.

Оқибат бу жаҳондин ўттилар,  
Туфроқ остида жой тугтилар.

Жонлари жисмдин жудо бўлди,  
Ерлари тира хок аро бўлди.

Ваҳки, бу манзил асру кўтаҳдур,  
Шоҳу Дарвешга гузаргаҳдур.

Ҳеч бу домдин қутульмоқ йўқ,  
Улмайнин кимса тинч бўльмоқ йўқ.

Хизр янглиғ гар ичсанг оби ҳаёт,  
Охир олғуси жонни бу зулмот.

Сайр Исодек айласанг афлок,  
Оқибат бўлғуси мақоминг хок.

Юсуфосо эсанг маҳи Канъон,  
Қилғосен оқибат қудуқни макон.

Масалан умри Нух топсанг агар,  
Ушбу тўфон этар ҳалоки хатар.

Улки озоди ҳар қуюддурур,  
Аҳаду вожибул вужуддурур.

бу каломи хужаста фаржом хати тавфиқининг  
шукргузорлиғиким, матбуъи хосу мақбули  
авомдур

Шукрилиллоҳки, бу хужаста калом,  
Хотирим коми бирла топти тамом.

Шукр ҳам буки то тамом ўлди,  
Мажлисорои хосу ом ўлди.

Борчанинг тилида онинг сифати,  
Ҳаманинг оғзида онинг нуқати.

Ондин офоқ жайби пурдурур,  
Ондин ишқ аҳлига бағал пурдур.

Гарчи қаллоби шаҳр эрур сарроф,  
Е хатогўи даҳр эрур ҳарроф,

Заррача синмоғуси миқдори,  
Жон бериб олғуси харидори.

Байти гар камдурур манга гам эмас,  
Яхши мазмуни, шукрким, кам эмас.

Соф мазмуни меҳрдек зоҳир,  
Тонг эмас қилса майл анго хотир.

Маъни хосу лафзи омфиреб,  
Олғуси борчадин қарору шикеб.

Оллоҳ, оллоҳ, на дилпазир ушбу,  
Роғиб ўлғилки ногузир ушбу.

Мунча бўлғай фунуни шоирлиқ,  
Мунча бўлғай фусуни соҳирлиқ.

Ким дам урса тилни банд этдим,  
Айладим сеҳру мустаманд этдим.

Хасм кўзига милдур қаламим,  
Дўст чашмига нурдур рақамим.

Зоҳир этти қародин обиҳаёт,  
Лек ҳосиддин олди тоби ҳаёт.

Раҳм жоедурурки ўлди ҳасуд,  
Раҳм айламак ўлукка на суд?

Дили ҳосид ҳамеша хун ўлсун,  
Алами дам-бадам фузун ўлсун.

Эй ҳасуд, ушбу фикр фосиддур,  
Фикри фосид ҳамеша косиддур.

Сенкидурсен сўз аслидин маҳжур,  
На десанг, эйки, борсен маъвур.

На ғаразким әди санго маълум,  
Ул бурундин әди манго мафҳум.

Мўйбоф этса неча жустужўй,  
Ойира олмоғуси саъй ила мўй.

Қойдаким ҳудҳуди Сулаймондур,  
Мўр қоқмоқ қанот на имкондур.

Қачон ўлғай садои гулгули зог,  
Роҳатафзо навои булбули бог.

Менки сўз оламидамен дарё,  
Сен ўқурсен биров сўзини манго.

Киши шеърин ўғурлама зинҳор,  
Бўлса ўз шеъринг айлагил изҳор.

Ўзгалар шавқ жомин айлади нўш,  
Санга иш телбадек мудом хурўш.

Ўзгалар чекса оҳи оташнок,  
Сен қилурсен чекиб яқонғни чок.

Мен сухан сиккасини қилғум нав,  
Сенга иш арз махзани Хусрав.

Чун эмассен бу номада номи,  
Тутмағин номи Хусраву Жомий.

Сен киби кажхаёли номарғуб,  
Олор отини тутмоқ ўлмас хуб.

Сен чун назмингга шеър қўйдинг от,  
Санго йўқтурму шеър элидин уёт?!

Бўлмаса назм чун дурри макнун,  
Саҳл бўлғай табиати мавзун.

Сену мен гарчи бормиз шоир,  
Фарқ лекин арода бор зоҳир

Кўрки бирдек эмас самуму насим,  
Бирига ер — жинон, бирига жаҳим.

Нармлиқда бири равонпарвар,  
Бирдин гармлиқда жонга хатар.

Чунки бир қаргаси ракики наво,  
Бир ҳумо бирла айлабон даъво;

Деди: «Сандин қуйи эмас поям,  
Соянғосо эрур менинг соям».

Деди бир кимса: «Эй тангмоя,  
Тенгму бу соя бирла ул соя?»

Кирса ҳар ким бу сояга ногоҳ,  
Бўлғай ул олам ичра зилли илоҳ».

Можарои ҳусуду қиссаи ман,  
Ўйлаким қаргасу ҳумо равшан.

Йўқ, йўқ, ушбу сўзим боридур лоф  
Даъвийи достони ҳазлу газоф.

Мен ким ўлдимки эл дегай мандин?  
Шуаро рашк айлагай мандин?

Мен недин ҳам ҳусуддин дегомен,  
Чун ямондур ямонни найлагомен.

Тобакай қилгомен бу навъ хурўш,  
Кошки энди бўлгомен хомўш.

Борча маъшуқ ноzi ҳурматидин,  
Жумла ошиқ ниёзи ҳурматидин.

Шоҳларнинг баланд жоҳи учун,  
Ҳам Гадоларнинг ўтлуғ оҳи учун

Уламоий изомнинг ҳақи,  
Сулаҳойи киромнинг ҳақи —

Бир назар айлабон Ҳилолийга,  
Чек они мақсади висолиға.

Оғаҳийни ҳам айлама навмид,  
Тут тариқи савоб аро жовид.